СССР Давлат китоб палатаси
Давлат УзССР
9 ЯНВ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 5 (20.872). 1991 йил 5 январь, шанба. ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

3 январь куни Кремлда ССЖИ Президенти М. С. Горбачев раислигида Федерация Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди, мажлисда барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг, Совет давлати ва ҳукуматининг олий раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлис қатнашчилари мамлакатнинг муштарак манфаатларига ва ўзларининг мамлакат халқлари олдидаги масъулиятига асосланиб, ССЖ Иттифоқи халқ депутатлари IV съездининг «Мамлакатнинг аҳволи ва вужудга келган танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этишга оид биринчи галдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш юзасидан 1991 йилги битимни принцип жиҳатидан маъқулладилар.

Мажлис қатнашчилари корхоналар қаерда жойлашган бўлишидан қатъи назар улар ўртасида хўжалик шартномалари тузиш соҳасидаги ишни жуда қисқа муддатларда тугаллаш, таркиб топган хўжалик алоқалари сақланиб қолишига, шунингдек ишлаб чиқариш-техника маҳсулотларининг ҳамда халқ истеъмоли молларининг корхоналар ва минтақалар ўртасидаги эркин айрибошланишига кўмаклашиш зарур деб топдилар.

Бафуржа фикрлашиб олинди. Ишчанлик муҳитида ўтган мунозара чоғида РСФСЖ Олий Кенгашининг Раиси Б. Н. Ельцин, Тожикистон ССЖ Президенти К. М. Маҳкамов, Арманистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси Л. А. Тер-Петросян, Грузия ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси Т. И. Сигуа, Украина ССЖ Олий Кенгашининг Раиси Л. М. Кравчук, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов, Озарбайжон ССЖ Президенти А. Н. Муталибов, РСФСЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси И. С. Силаев, Қозоғистон ССЖ Бош министри У. Қ. Қарамонов, Латвия ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси И. Т. Годманис, Украина ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари К. И. Масик, ССЖИ молия вазири В. С. Павлов, Эстония ССЖ иқтисодиёт вазири Я. А. Лейманн, ССЖИ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетининг раиси В. И. Шчербаков, Литва ССЖ Вазирлар Кенгашининг ССЖИ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги доимий вакили Э. В. Бичкаускас сўзга чиқдилар.

Ҳужжатни тайёрлаш, иши тугалловчи босқичга кирганини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Яқин кунларда ССЖИ Президенти битим матнини имзолаш учун иттифоқдош жумҳурятларга юборади, деган қарор қабул қилинди.

(ТАСС).

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ҲАЁТИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

«ҚУВОНЧИНГНИ КУЙЛАЙМАН, ЭЛИМ»!

Сурхондарё вилоятининг Ленин йўли районидаги хўжалик ва қишлоқларда ўтаётган бирон-бир тўй ёки тантана йўққи, унда ана шундай сатрлар билан бошланадиган қўшиқ янграмаган бўлсин. Унинг муаллифи, ижрочиси таниқли халқ бахши-шоири Абдуназар Поёновдир.

Абдуназар Поёновнинг асл касби инженер-механиклик. У ишдан бўш вақтларида ижод билан шуғулланади. Унинг репертуарини тингласангиз, бахт, севги-муҳаббат, тинчлик ва меҳнатни тараннум этувчи қўплаб қўшиқларни учратасиз. Бу тароналар вилоят ва жумҳурият миқёсларида ўтказилган турли ижодий мусобақалар ва фестивалларда ҳам ижро этилиб, профессионал санъаткорларнинг олқишига сазовор бўлган. А. Поёнов жумҳурият танлови (конкурси) нинг уч бора совриндори бўлганлиги факти ҳам буни тасдиқлайди.

Сурхондарёлик халқ ижодкори ютуқларининг сири шундаки, у машҳур бахши-шоирларнинг анъаналарини чуқур ҳурмат билан ўзлаштириб, ўрганиб, тажрибаларини ўз фаолиятида қўлланиб боради.

СУРАТДА: бахши-шоир Абдуназар Поёнов (чапда) ўғли Зокиржон ва шогирди Асад Жабборов билан.

И. ХУЖАЕВ (ЎзТАГ) суратга олган.

ФАРҒОНА ГИЛАМЛАРИ

Ҳа, туркман, Хива, Шаҳрисабз гиламларининг ёрқин жилоси, кўз қамаштирадиган гуллари хусусида кўп эшитганмиз. Улар уйларимиз тўрини безаб турибди. Фарғона водийсида халқ ҳунармандчилигининг бу усули деярли унутилиб кетган эди. Олтариқ ноҳия маҳаллий саноат ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ишбилармон кишилар қадимий санъатга янгидан жон бахш этишга қарор қилдилар.

Ғайрат қишлоғидаги бўшаб қолган эски мактаб бинои гилам тўқиш цехи этиб мослаштирилди. Бу ерда ўзга вилоятлардан зарур дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Гиламдўзлик санъатини эгаллашни хоҳловчилар учун махсус ўқув ташкил этилди. 20 дан ортиқ қиз-жувон қисқа муддатда гилам тўқиш сирларини ўрганиб олдилар. Р. Ҳусанова, С. Ўринбоева, Ш. Юнусова сингари моҳир гиламдўзлар ёшларга устозлик қилмоқдалар. Шу кунларда Олтариқнинг чиройли, бежирим дастлабки гиламлари келин-куёвларнинг уйлари, меҳмонхоналарда пайдо бўлмоқда.

Шу ноҳиядаги М. Горький номли жамоа хўжалигида ҳам гилам тайёрлаш кооперативи иш бошлади. Бу ташаббус вилоят миқёсида кенг ёйилмоқда. Янги йил арафасида Қувасой шаҳридаги Ильич номли давлат хўжалигида ташкил топган гилам тўқиш цехида тўрт дона гилам тайёрланиб, савдога чиқарилди.

Зеро, дастлабки тажрибалар муваффақиятли чиқди. Фарғона гиламлари нақшларининг ранг-баранглиги, бўёқларининг уйғунлиги, ўзига хос чиройи билан бошқа ўлкалар гиламларидан фарқ қилади.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Президент Фармонларининг бажарилиши «Совет Ўзбекистони» назоратида

МУҲИМ ОМИЛ

Каттақўрғон ноҳиясидаги газлаштириш идораси ходимлари аҳолини арзон ва қулай ёнилғи — табиий газ билан таъминлаш борасида хайрли тадбирларни амалга оширяптилар. Бунда уларга жумҳурият Президентининг қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони дастурилламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда корхона ишчи-хизматчилари 568 та қишлоқ хонадонини газлаштиришга муваффақ бўлишди — 13 километрлик масофага газ қувурлари ётқизилди. Эндиликда «Ленин йўли», Тельман номли жамоа ва «Мойбулоқ» давлат хўжаликлари ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли хонадонларини табиий газ билан таъминлаш ишлари жадал олиб бориляпти. 1990 йил охиригача яна 132 та хонадонга газ уланди.

— Қишлоқни газлаштириш йўлидаги эзгу ишимиз, — дейди ноҳия газлаштириш идораси бошлиғи Э. Мустафоқулов, — корхонамиз молиявий-хўжалик аҳволини яхшилаш билан бирга, планда техника кўрсаткичларининг янада салмоқли бўлишини таъминлаяпти. Бу эса ўз навбатида ишчиларимизнинг моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, 1989 йилнинг ўн ойида ҳар бир ишчининг ўртача ойлиги 126 сўм бўлган бўлса, 1990 йилнинг 10 ойида 305 сўмни ташкил этди.

Газчиларнинг бу йилги режалари ҳам улкан. Улар 1991 йилда 37 километрга газ қувурлари ётқизиб, 1000 дан зиёд хонадонни газлаштиришни мўлжаллашмоқда.

Ғ. ШУКУРОВ,
Самарқанд вилояти.

ТАШНАЛИК ДАВОСИ

Юртимизда ичимлик сув қадри баланд. Зеро, ошиб-тошиб ётган сув манбаларимиз йўқ. Бу билан мен бизда ичимлик сув танқислиги бор демоқчи эмасман. Тўғриси, ундан тежаб-тергаб фойдалансак, авлод-аждодларимизгача ҳам етади.

Лекин бугунги кунда тоза ичимлик сув муаммоси жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоятларида жиддий бўлиб турибди. Бунга, менимча, жойлардаги партия ва совет органлари раҳбарлари ҳам айбдор. Нега дейсизми? Мана, бизнинг Қува шаҳрини олайлик. Қарийб беш йилдан буён шаҳардаги Абдулла Қодирий, Коммуна, Маданият кўчаларига тоза ичимлик сув келтириш муаммолигича қолаётган эди. Шаҳар ижроқўми состави янгиланди-ю, бу борадаги ишлар юришиб кетди.

Очиғи, бу хайрли тадбирни амалга оширишда жумҳурият Президентининг Фармони ҳам катта мадад бўлди. Қисқа муддат ичида юқоридаги учала кўчага 1300 метр узунликда қувурлар ётқизилиб, хонадонлар водопроводлаштирилди. Шаҳар бюджетидан бу ишлар учун 10 минг сўм маблағ ажратилди. Фарғона сув таъминоти бошқармаси имконияти даражасида моддий ёрдам берди.

Хуллас, шаҳар мутасаддиларининг ташаббускорлиги, аҳоли муаммоларини ҳал қилишга интилиши туфайли ишлар юришиб кетди. Шаҳарнинг барча хонадонларига обиҳаёт келди.

Т. ХОЛИҚОВ,
Қува шаҳар Кенгаши депутати.
Фарғона вилояти.

• Нуқтаи назар

КИТОБ САҲИФАСИДАГИ ШУУР

Яқинда танишимдан жумҳуриятимизда чоп этилган таниқли ёзувчининг асарини сўраб қолдим. «Ўқимаганман» деди у. Бошқа бир адибнинг китобини ўқиганлиги билан қизиқдим. «Вақт қаёқда» деб жавоб қайтарди у. Ўз навбатида янги асарлардан қай бирини ўқиганлигимни суриштирди. Мен ҳам елка қисдим.

Тўғриси, кейинги йилларда жумҳуриятимиз нашриётлари энг сара асарларни нашр этишга алоҳида эътибор бера бошлади. Китоб магазинлари, кутубхоналар пештахталари янги асарлар билан банд. Энг яхши асарлар хусусида баҳслар, мунозаралар ўтказиляпти. Уларга таниқли адиблар таклиф этиляпти, ижодий режалар ўртоқлашиляпти. Бироқ асосий гап бунда эмас. Негадир китоб саҳифаларидаги шуур хиралашгандай ёинки китобхонлар диди ортиб кетгандай таассурот қолдиряпти. Биз нега кам китоб ўқияпмиз. Айрим одамларнинг китоб дўконлари олдидан эътиборсиз ўтиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Нега?! Китоб нархи қимматми ёки вақтимиз йўқми?!

Бозор иқтисодиётига ўтишга айни киришилган пайтда мамлакатнинг маданий ва ақлий зиё имкониятларини амалий, бунёдкорлик ишига сафарбар қилиш керак. Ҳақиқатан агар жамият маданиятни ҳимоя қилса, маданият жамиятни омон сақлаб қола олади. Афсуски, зиёлилар анчагина қисмининг кучлари ўтмиш билан муносабатни аниқлашга ва ўз орасидаги турли гуруҳларнинг муносабатларини ойдинлаштиришга сарфланаётганлиги жамиятга ёмон хизмат қилаётир, ижтимоий онгни беқарорлаштирувчи бузғунчи эҳтиросларни қўзғатиш учун фойдаланиlaётир.

Кейинги йилларда қоғоз нархининг кескин ошиши муносабати билан китоблар нархининг кўтарилиши табиий. Бу фақат бадиий юксак асарлар нашр этилади деган сўз эмас. Биз минг йиллардан буён ардоқланиб келинган тарихимиз, маънавий қадриятларимиз, одоб-ахлоқимиз ҳақида ҳикоя қилувчи асарларга ҳали муҳтожмиз. Жумҳуриятимиз Фанлар академияси Шарқшунослик ва Қўлёзмалар илмгоҳларида сақланаётган алломаларнинг асарларини ўқиш ниятидамиз. Шу билан баробар кечаги тарихимизни ҳам унутмаслигимиз керак. Уларни нашр қилиш, ўқувчилар ҳукмига етказа билиш ҳам зарур. Бу борада қилинган муайян ишлар ҳам бор. Жумладан, кейинги беш йил ичида жумҳуриятимизда 37 мингта китобхон анжумани, фан, маданият арбоблари, илғор ишчи ва деҳқонлар билан учрашувлар ўтказилди. Кутубхоналар билан ҳамкорликда клубларда, дала шийпонлари ва фермаларда, билим юртлари ва ёшлар ётоқхоналарида китоб кўргазмалари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги мавзундаги адабиётларни тарғиб қилишда Хоразм вилояти китобхонлар жамиятининг тажрибаларидан ўрнак олса арзийди. Тупроққўрғон массивининг энг олис ҳудудида жойлашган давлат хўжалиги аҳолиси учун кутубхоналар ташкил этилди. «Чўлқувар» номли жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхонада барча шароит мавжуд. Шу массивдаги «Қизилжар» чорвачилик давлат хўжалиги чўпонлари ҳам бевосита китоб билан дўстлашиб қолдилар. «Болалар ва ёшлар китоблари» ҳафталикларини ўтказиш ҳам анъанага айланиб бормоқда.

Китоб — инсоннинг ақл-идрок ва қалби учун олиб борилаётган курашда қудратли кучдир. Шундай экан, ўзбек совет адабиётининг улкан намояндалари—Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқаларнинг ижод йўлини кенг жамоатчиликка етказиш учун ҳали кўпгина ишларни амалга ошириш керак. Бу борада «Мерос» ҳаракат дастуримизда кўзда тутилган режалар кенг кўламлидир. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш шарт. Токи, қўшни жумҳуриятлар адибларининг турли учрашувларини, ўн кунликлар ўтказиш анъана бўлиб қолсин!

Китобга муносабат ва айниқса, уни ўз вақтида мутолаа қилиш ҳар бир кишининг маънавий фазилатидир. Афсуски, айрим жамоа раҳбарлари, ҳатто маданият ходимлари ва зиёлилар ҳам кутубхона хизматидан етарли фойдаланмайдилар, янги асарлардан воқиф бўлмайдилар. Айрим вилоятлар, ноҳиялар, жамоа ва давлат хўжалигидаги кутубхоналарга етарли эътибор берилмаётир. Кўпгина кутубхоналарда бутунлай бошқа касб эгаларининг ишлашларига йўл қўйилаётир.

1990 йили таниқли олим, тарих фанлари номзоди Ҳайдар Бобобековнинг шахсий кутубхонаси хусусида ёзган эдик. Олим хонадонидаги китоблар, айниқса XIX—XX асрларга тааллуқли қўлёзмалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ўнлаб, юзлаб китоб мухлислари янги-янги далиллар топишга муваффақ бўлдилар. Жумҳуриятимизда жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхоналар сони қарийб икки мингтадир. Уларнинг хизматидан кўплаб китобхонлар фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга, шундай имкониятлар яратиб берган хонадон эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имкони борича маънавий, моддий ёрдам ҳам бериш керак.

Китоб савдоси ишларини ҳар томонлама мукаммаллаштириш имкониятлари мавжуд. Жамоатчи китоб тарқатувчиларни ҳар томонлама рағбатлантиришнинг пайти келди. Бу борада, айниқса, қишлоқларда китоб савдосини ташкил этишда қийинчиликлар учрамоқда. Шу билан бирга ҳарбий қисмларда йигитлик бурчини адо этаётган аскарларимизни ҳам энг янги ва сара асарлар билан таъминлаб туриш керак.

Китоб — ғоят катта куч. Шундай экан, китоб саҳифаларидаги шуур ҳар биримизни гўзаллик ошуфтасидек бахраманд қилсин! Ўқиган, билимини тинимсиз оширган ҳар бир мутахассис ўз касбининг фидойиси бўлади. Бунга шак-шубҳа йўқ!

Мирза КАРИМ.

НАВОИЙХОНЛИК БОШЛАНДИ

Алишер Навоийнинг ижодий мероси жамият маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига, жаҳон маданиятининг хазинасига айланди. У шоир, олим ва меъморчиликнинг, тасвирий санъат ва бадиий ҳунармандчиликнинг улкан билимдони ва ҳомийси эди. Буюк мутафаккир, ўзбек адабиёти асосчисининг асарлари кенг кўламда машҳур бўлишига қарамай, унинг ижоди ҳали узил-кесил ўрганилган эмас — у янада чуқур тадқиқ этилиши зарур. 4 январь куни Тошкентда бошланган навоийхонликда ана шу фикр айтилди. Навоийхонлик сўз устаси таваллуд топган куннинг яқинлашиб келаётган 550 йиллигига бағишланди.

Бу йил жумҳуриятда Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Шу йили илмий конференциялар, адабий кечалар, ёзувчилар ва шоирлар билан учрашувлар ўтказилади. Навоий ёдгорликлари очилади. Мутафаккир асарларининг янги нашрлари босмадан чиқарилади. Яқинда «Фан» нашриёти тайёрлаган Навоий асарларининг 20 жилдлик тўла тўпламининг икки жилди босмага тобширилди.

Навоийхонлик очилишида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон ССЖ Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этдилар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ВАЪДА БИЛАН УЙ ИСИМАС

• Муштарий мактуби

Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга келаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Бироқ уларни ётоқхоналарга жойлаштириш жиддий муаммо бўлиб турибди. Уй-жой масаласи чатоқ. Ҳисоб-китобларга қараганда, шу кунгача ётоқхона олиш учун навбатда турганлар сони 500 нафарга етибди. Корхонадаги мавжуд ётоқхоналар сони эса йигирмадан ортиқ.

Очиғини айтиш керак, бундан беш-олти йил илгари корхона йил давомида ўз ишчиларини уй-жой билан таъминлашда бундай қийинчиликларни сезмас эди. Энди бўлса ишчи квартира олиш учун 10—15 йил навбатда туради. Ишонмасангиз, корхона касаба уюшмаси қўмитасига пайшанба куни бир келиб-кетинг. Бу ердаги мутассадди ўртоқлар сизга ачинишади. Лекин уй топиб беришолмайди. Ўша уй-жой илинжида юрганларнинг гавғосини эшитмай деган мақсадда қонунни бузиб, прописксасиз бўлса-да, бирорта ётоқхонага жойлаштириб қўйишади.

Бундай ётоқхоналардан бири «Сергели—2» массивида жойлашган. Мазкур 21-ишчи ёшлар ётоқхонасида корхонанинг 400 нафар бўйдоқ йигитлари истиқомат қилиши керак. Аммо бу ерга келган киши бунинг аксини кўриб, ҳайрон бўлиши турган гап. Биринчи қаватда 14 та ёш онла, қолганларида эса бўйдоқ йигитлар истиқомат қилишади.

Хўш, нима бўпти, дейишингиз мумкин. Ҳамма гап шундаки, биринчи қаватда яшаётганларга ҳеч қандай шароит яратилмаган. Иссиқ сув башарти раҳбарлар келиб қолса очилади, бўлмаса ёпиқ. Ҳаммаёқ ифлос, хоналарга тепадан сув томади. Душхона ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Энг асосийси эса, мана салкам бир ойдирки ётоқхона ертўласини сув босиб ётибди. Истиқомат қилувчилар кимга арз қилишмади дейсиз. Корхона бош директори Ўринбосари М. Сандлер, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Г. Здрюмова уй-жой-коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ж. Шерматов ва ҳатто Сергели ноҳиясидаги санитария-эпидемиология станцияларига бир неча бор мурожаат қилишди. Улар қуюқ ваъдалар беришди, бироқ ишгга келганда ҳеч нарса ўзгармади.

Ўтган йили ётоқхона ва у ердаги тартибсизликлар ҳақида жумҳурият рўзномаларининг бирида танқидий мақола берилган эди. Мана орадан бир йил ўтди. Бироқ ҳанузгача ҳеч қандай силжиш кўзга ташланмаяпти. Қайтанга прописксасиз яшаётганлар сони ошиб кетмоқда. ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларининг (агар иккови ҳам корхонадан эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак) афтидан бу машмашалар билан ишлари йўққа ўхшайди. Ҳолбуки, улар ўзларининг сайловолди дастурида уй-жой масалаларини ҳал этишда бутун кучимкониятларини аямасликларини баён қилишган эди. Лекин қани ўша ваъдалар? Ахир қиш совуғи ваъдани тан олмайди-ку!

Бугунги қиш-қировли кунларда аҳволни тезроқ яхшилаш зарур. Бўлмаса ишчилар фарзандлари совуқда қолиши турган гап. Комбинат ишчиларининг эндиги умиди Ўзбекистон ССЖ Енгил саноат вазирлигидаги ўртоқлардан. Ўйлаймизки, улар ўз ишчи-хизматчиларининг умидларини пучга чиқармай, тегишли чора-тадбирлар кўришади.

Б. ИМОМОВ,
Тошкент шаҳри.

«Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг ўн мингинчи сони чиқиши муносабати билан

Мана бугун «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг ўн мингинчи сони ҳам чиқди. Ҳа, гўё яқиндагина биринчи сони тараддудини қилаётгандик. Умр ҳам дарёдек оқиб ўтди-кетди. Унинг даргоҳида кимлар ишламади, энди бўлса баъзилар ҳаёт, баъзилар бўлса оламдан кўз юмиб кетди. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар ҳам...

Ўн мингинчи сон... Ўн минг кеча-кундузги меҳнат, ижодий изланишлар, уйқусиз тунлар, ўзаро мунозаралар, камчилик ва хатолар, жазо ва рағбатлантиришлар. Ўйлаб қарасак, бу қирқ минг саҳифа. Жафокаш машинистка корректорлардан тортиб, адабий ходим, мудир, муҳаррирларгача — ҳамма-ҳаммасининг кўз нури, қалб қўри билан бунёд этилган бу ўн мингта сон... Ўша вақтда Марям опа деган ғоят жонкуяр машинистка ишларди, ўзи ҳам жуда тоза иш қиларди. Бир куни ўзидан-ўзи: «Кейинчалик бизни ҳам эслашармикан, биринчи сонни чиқарганимизни» деб қолди.

Журналистнинг ҳаёти, туриш-турмуши бетинч, серташвиш. Мана ўйлаб кўринг. Рўзноманинг бугунги сонига қўл қўйилди. Энди кетмоқчи бўлиб турасан, шу вақт бирор расмий ахборот, қарор ёки маъруза келиб қолади. Қарабсизки, ҳамма ишлар остин-устун бўлиб кетади. Қайтадан рўзнома саҳифаларини ўзгартиришга тўғри келади. Эрталабки макетдан бирор нарса қолмайдиган вақтлар ҳам кўп бўлган. Ўнмингинчи сонинг қанчаси шундай азоб билан чиққан, буни журналистларнинг ўзи билади, ўқувчилар бўлса, тайёр рўзномани олади-ю, қизиқ нарса чиқмабди, ҳаммаси расмий экан, деб ранжийди.

«Тошкент ҳақиқати» вилоят партия ташкилотининг жанговар нашри сифатида пойтахт вилояти иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий равнақида фаол қатнашди, талантли журналист кадрлар тайёрлаш маскани бўлди.

Рўзноманинг биринчи сонини чиқарганлар ким?

Мен шу саволга жавоб тариқасида рўзноманинг ижодий йиғилиши — «летучка»сидан бир дақиқани кўз олдингизга келтириб ўтмоқчиман:

Адабиёт бўлимининг мудири Назармат Эгамназаров: «Авторларга неча марта қўнғироқ қилдим, бугун дейди, эрта дейди, олиб келишмайди».

Фельетончи Шобарот Кузанбоев: — Фельетон ёзиш осонми, битта материал деб ўн жойга борасан, неча кунлаб оворагарчилик, чиққандан кейин ҳам тинчимайсан, текшир-текшир, чақир-чақир... Қалам ҳақи бўлса...»

Масъул котиб Аъзам Мирбобоев: — Материални вақтида туширишмайди, яна макетга кирмайди деб зорланишади, гўё ҳаммасига котиб айбдор».

Корректор Фарида Усмонова: — Мана бугунги сондаги маданият бўлимидан тушган мақола, мана бу ўша мақоланинг асл нусхаси, ҳар бетида учта — тўртта хато, тағин корректорлар айбдор эмиш, хато ўтказиб юборишлар деб...».

Ўша кунги **обзорчи, ёзувчи Худойберди Тўхтабоев:** «Хато асл нусхада кетдими, ушлаб бўлмайди...».

Ёзувчи Адҳам Раҳмат: «Кейинги вақтда фельетонлар рўзномада камайиб кетди...».

Ижодий йиғилишни рўзноманинг муҳаррири Зиёд Есенбоев олиб борарди. Ҳа, янги рўзноманинг туғилиши, юзага келиши, эл ўртасида катта обрў-эътибор қозонишида жанговар ташкилотчи, жонкуяр журналист, тиниб-тинчимас муҳаррир Зиёд Есенбоевнинг, ундан кейин муҳаррирлик қилган Аҳмад Исмоиловнинг хизматлари беқиёс.

Ёдимдан чиқмайди, ўшанда Нуъмон Насимов оддий корректор бўлиб ишларди, расмий материаллар кўп бўлганда у билан тонг отаргача бирга ишлаганмиз. Мана энди бу жафокаш журналист ўз ижодий меҳнати, ташкилотчилик қобилияти туфайли «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига бир неча йиллардан бери муҳаррирлик қилиб келмоқда.

Ўн мингинчи сон... Унинг биринчи пойдеворини қуришда шоир Мавлон Икром, Ҳамидулла Нуриллаев, Салим Маҳкамов, Асқар Шермуҳамедов, Босит Ҳалилов, Зариф Муҳамаджонов, Муборак Ғозиев, Тожибой Унабоев, Усмон Жонгитов, Солиҳа Каримова, Фарида Бойкова, Эътибор Мамажонова ва бошқалар ишлашди. Мен ҳам ўшанда дастлаб бўлим мудири, кейин ўринбосар, узоқ йиллар муҳаррир бўлиб ишладим. Кейинчалик ана шу журналистлар сафига Исмоил Сулаймонов, Темир Расулов, Тўлаган Нажмиддинов, Зокир Исроилов, Соат Мусаев, Маҳмуд Яҳёев, Машҳура Мирзамуҳамедова, Мирсобир Мирҳамидовлар... келиб қўшилди.

Ҳа, ўн мингинчи сон ана шу азаматларнинг фидокорона, ижодий изланишлари самараси.

Рўзноманинг биринчи сони чиққандан бери қанча вақтлар ўтиб кетди. Шу кунларда рўзномада ишлаётган ёшлар газета бешигини тебратганларни ёддан чиқармасликлари керак. Сен ўтирган жойда, бир вақтлар ўшалар ўтирган, саҳифаларда ўшаларнинг жанговар мақолалари, фельетонлари, хабарлари босилган. Жуда бўлмаса ўшаларга битта қўнғироқ, бир эллик табрик...

Мен, тенгқурларим янги йил арафасида жумҳуриятимиз Президенти Маҳкамасидан табриклар олдик. Бошимиз кўкка етди. Бўлмаса у ерда ишлар бошдан ошиб ётибди. Ҳамма гап эътиборда, — бир дақиқа вақт топиб одамлар кўнглини олишда!

Эътибор, меҳр- оқибат ҳеч қачон бизни тарк этмасин. Қўшиқда айтилганидек:

«Оламни сақланг дўстлар,
Одамни асранг дўстлар!».

Мақсуд ҚОРИЕВ.

ҲАЁТ КЎЗГУСИ



ИШЧАНЛИК БОР, КАФОЛАТ-ЧИ?

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган қудратли трактор ва прицеплар қишлоқ меҳнаткаши оғрини енгил қилмоқда.

Корхона азаматлари қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва техникавий даражасини такомиллаштириш йўлида ғайрат билан иш олиб бормоқда. Масалан: «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган ротор линиялар корхона мутахассисларининг ақли-заковати ва тажрибаси туфайли мукаммаллаштирилди. Натижада машинанинг меҳнат унумдорлиги ортиб, бу участкада ишловчилар сони 16 дан 4 кишига қисқарди.

Лекин корхонанинг бу йил бир меъёрда ишлашига тўла кафолат яратилган, дейиш қийин. Рақамларга мурожаат қиламиз. 1991 йилда корхонага материаллар етказиб бериш юзасидан энди 78 фоиз шартнома тузилди. Бутловчи деталлар учун шартнома 90 фоиз ва металл етказиб бериш юзасидан имзоланган шартнома 80 фоизгина бажарилган.

Суратларда: 1. Йиғувчи слесарь Равшан Туропов иш устида (чапда) 2. Механика-йиғув цехининг ротор линияси. 3. Илғор оператор Юрий Дятлов.

Л. КАЛЕНСКАЯ (ЎЗТАГ) олган сурат.

БИР МИЛЛИОН СОФ ФОЙДА

Ворошилов районидаги «Победа» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ҳозирги шароитда озиқ-овқат муаммосини ижобий ҳал этиш энг долзарб масалалардан бири эканлигини яхши билишади. Шу боис озиқ-овқат дастурини муваффақиятли ҳал этишга жиддий эътибор бермоқдалар.

Хўжалик деҳқонлари ўтган йили давлатга пахта топшириш режасини 116,8 фоизга етказиб бажаришди. Шунингдек, ғалла, мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари топшириғи ҳам адо этилди.

Айни пайтда бўлғуси ҳосил учун 50 гектар ерга арпа, 20 гектар буғдой, 35 гектар пиёз экилди. Икки юз гектар майдонда янги бедазор ташкил этилди.

Хўжаликда чорвачиликни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Фермалардаги мавжуд олти юз бош қорамолдан 110 боши ижарачиларга ажратилди. Шунингдек 200 бош соғин сигир ва бузоқлар ҳам қатъий рацион асосида парвариш қилиняпти. Кутилган натижа эса ёмон эмас.

Шунингдек, чорва қишловини намунали ўтказиш учун хўжаликда ҳамма имкониятлар ишга солинган. Аввало, қишлов учун етарли озуқа жамғариб қўйилган.

Ўтган йил якунига кўра хўжалик меҳнаткашлари озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳисобига қарийб тўрт миллион сўм даромад кўришди. Шундан бир миллион 200 минг сўми соф фойдани ташкил этди.

Р. МЕЛИБОЕВ.

● Рўзномамиз таҳририятига кун сайин бозор иқтисодиёти, унинг афзалликлари, нарх-наво ҳақида аниқ маълумотларни сўраб ёзилган мактублар узлуксиз келиб турибди. Муштарийларимизни кўпроқ нон-бўлка маҳсулотларининг нархи ошадими-йўқми, сифати яхшиланадими синтари саволлар қизиқтираётганини айтиб ўтишимиз керак. Мухбиримиз Ўзбекистон ССЖ дон маҳсулотлари вазири А. МУТАЛОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

• Долзарб мавзуда суҳбат

НОН—РИЗҚУ РЎЗИМИЗ

● Нонинг нархи ошмайди.

● Тегирмонлар қайта жиҳозланмоқда.

● Тежамкорлик —барака меъзони.

● Ёрдамчи хўжалик — фаровонлик манбаи.

— Абдулҳошим Муталович! Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида озиқ-овқат маҳсулотларининг ўн икки тури алоҳида назорат остига олинадиган, нон ва нон-бўлка маҳсулотларининг нархи ошмайдиган бўлди. Сиз жумҳурият дон маҳсулотлари вазири сифатида бу қарорни қандай шарҳлайсиз?

— Ҳа, шундай қарор қабул қилинди. Нон, нон-бўлка ва макарон маҳсулотлари, ундан ишланган бошқа маҳсулотларнинг жумҳуриятимиз ҳудудида чакана нархлари оширилмайди.

Ўзбекистонда нон, нон-бўлка маҳсулотлари ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг киши бошига истеъмол қилиниши Иттифоқ кўрсаткичига нисбатан анча кўпроқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида озиқ-овқат нархларининг оширилиши, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий етарли ҳимоя қилинмаган қисмига катта зарар келтиради.

Ҳамманинг хабари бор, 1990 йил ҳосили бўйича доннинг харид нархлари ошди. Бундай қилиниши мажбурий эди, амалдаги харид ва улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларини тўла қопламасди. Меҳнат жамоаларининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ижтимоий ривожланиш учун олинадиган фойда етарли эмасди. Бугунги кунда нон, нон-бўлка ва ундан ишланган бошқа маҳсулотлар ва ёрманинг чакана нархларини сақлаб қолиш учун давлат томонидан бериладиган ёрдам пулига эҳтиёж пайдо бўлди. Бу ёрдам пуллари Дон маҳсулотлари вазирлиги корхона ва бирлашмаларининг ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга сарфланади.

— Жумҳуриятимиз аҳолисини нон ва нон-бўлка маҳсулотлари билан доимий таъминлаш учун зарур хом ашё етарли деб ўйлайсизми? Бу соҳада танглик вужудга келмаслиги учун қўшимча тадбирлар кўриладими?

— Меҳнат тақсимотига кўра бизнинг жумҳуриятимиз мамлакатни асосан пахта, мева-сабзавот ва бошқа хом ашёлар билан таъминлаб келган. Йиллар давомида жумҳуриятнинг ғаллага бўлган эҳтиёжини асосан бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардан ёки хориждан олиб келиш ҳисобига қондирилган эди. Ҳозирги вақтда эса доннинг 97 фоизи, уннинг 22 фоизга яқини, гуручнинг 15 фоизи ва 81 фоиз омухта ем ишлаб чиқариш учун дон хом ашёлари четдан келтирилмоқда. Қандолат ва омухта ем ишлаб чиқариш саноатлари керакли бошқа турдаги хом ашёлар билан ҳам шундай ҳол юз беряпти. Ускуналар ва эҳтиёт қисмлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Бахтга қарши мамлакатда содир бўлган иқтисодий аҳволнинг оғирлашуви бизга ҳам таъсир кўрсатди. Бу, аввало унни олиб келишимизга таъсир этди. Ҳар хил миш-мишларга ҳеч қандай ўрин йўқ. Нон бизда бор ва ҳар доим бўлади! Тармоқ меҳнаткашлари ҳамиша шундай тўкинчилик бўлиши учун бутун кучларини сарфламоқдалар.

Меҳнат жамоалари жумҳуриятни дон маҳсулотлари билан таъминлаш масъулиятини тушунган ҳолда 1990 йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлашга ҳаракат қилдилар. Давлат корхоналарида давлат буюртмасидан деярли 120 минг тонна ун, 5 минг тонна гуруч, 4 минг тонна нон ва нон-бўлка маҳсулотлари, 3 минг тонна макарон маҳсулотлари, 3,5 минг тонна қандолат маҳсулотлари ва 85 минг тонна омухта ем кўп ишлаб чиқариляпти.

1991 йилда ҳам хом ашё билан тўлиқ таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ўз вақтида ишлаб чиқилган. 1991 йилда ун ишлаб чиқариш ҳажми 15,6 фоизга оширилади. Бу эса қандолат маҳсулотлари, нон ва макарон саноати учун хом ашё етарли деганидир.

Зарур бўлган донни асосан Қозоғистондан оламиз. Жумҳурият ҳукумати дон хом ашёсини ва етишмаган тайёр маҳсулотни пахта толасига айирбошлаб олиш бўйича тегишли қарор қабул қилди.

ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарорига асосан 1991 йилнинг биринчи чорагида жумҳуриятимизга 114 минг тонна ун олиб келиш кўзда тутилмоқда.

— Муттасил ўсиб бораётган талабни қондириш учун тўла-тўкис анжомлар ўрнатилган янги тегирмонлар қуриш, ишлаб турган тегирмонларни жиҳозлаш ва қувватини ошириш керак. Бу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳам айтиб берсангиз...

—Сўнгги йиллар қатор янги тегирмонлар ишга туширилди. Хонқа, Ўйқўрғон, Оқтош, Оқолтин ва бошқа дон маҳсулотлари корхоналарини мисол қилиб келтириш мумкин. Асосий эътибор ишлаб турган корхоналарни жиҳозлаш ва қайта таъмирлаш йўли билан уларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган. Оҳангарон, 2-Тошкент дон маҳсулотлари комбинати, Андижон, Навоий, Қарши, Самарқанд ва Тахиатошдаги тегирмонлар Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси лицензияси асосида ишлаб чиқарилган юқори унумли ускуналар билан қайта жиҳозланди. Бу йил Андижон вилоятидаги Ленинск дон маҳсулотлари корхонасида ҳам шундай ишлар амалга оширилди. Қўрғонтепа шаҳрида кунига 500 тонна донни қайта ишлайдиган янги тегирмон ишга туширилди. Фарғона вилоятининг Бағдод ноҳиясида, Жиззах вилоятининг Дўстлик шаҳрида кунига 250-300 тонна донни қайта ишлайдиган тегирмонлар қуриб битказилиш арафасида. 1991 йилда Қўқон ва Бухородаги корхоналар юқори унумли янги ускуналар билан қайта жиҳозланади.

Бу амалга оширилаётган тадбирлар туфайли жумҳуриятга ташқаридан олиб келинаётган юқори навли ун муаммоси ҳал этилади ва биринчи навли унга бўлган катта талаб қондирилади.

Шу билан бирга донни оқилона ишлатиш ва ускуналардан самарали фойдаланиш ҳисобига ун тортилиши тахминан 3 фоизга ошадиган технология жорий қилинмоқда. Вазирлик мутахассислари томонидан амалдаги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб бир навли янги ун ишлаб чиқариш технологияси тайёрланиб, стандартлари тасдиқланди. Ушбу технология қўлланилиши ишлаб чиқариш унумдорлиги ошишига ёрдам беради. Келгуси 5 йилликда 23 ун тортиш корхоналарини янгидан қуриш, тиклаш, қайта жиҳозлаш мўлжалланмоқда. Шаҳрисабз, Урганч, Ғузор ва Тошкент вилоятининг Бинокор посёлкасида қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Жумҳуриятимиздаги энг оммавий «Совет Ўзбекистони» рўзномаси ўқувчилари билан учрашув имкониятимдан фойдаланиб, ўз-ўзимизни ун билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган яна бир муаммони айтиб ўтмоқчиман. Мен унни режасиз ишлатишга ва исроф қилишга мутлақо қаршиман. Табиатнинг бу улуғ инъомига халқимизнинг анъанавий ҳурматини, эъзозини қайта тиклаш керак.

— Сифат ва тежамкорлик ҳамма соҳада ҳамиша энг олий мезон саналиб келинган. Нонларимизнинг сифатини ошириш, уни ортиқча исроф қилмаслик учун бир киши бир ўтиришда тановул қиладиган митти нонларни кўпайтириш ҳақида ҳам ўйланаётгандир, албатта?!

— Жумҳуриятимизда Дон маҳсулотлари вазирлигига қарашли 24 нон ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Бу корхоналаримиз ўрта ҳисобда бир кунда аҳолига 1070 тонна нон маҳсулотлари, 260 тонна макарон, 230 тонна қандолат маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Аҳолини ширин обинонлар билан таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг «Октябрь» бозорида қувватти кунига 30 тоннага мўлжалланган цех, Нукус шаҳрида кунига 5 тонна обинон ишлаб чиқарувчи цехлар ишга туширилиш арафасида. Бундан ташқари нон маҳсулотларини халққа тез ва қулай тарзда етказиб бериш, халқимизнинг нонга бўлган эҳтиёжини ўрганиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизни тарғиб қилиш мақсадида вазирлигимиз «Иссиқ нон» корхона-дўконларини ишга туширмоқда.

Аҳолининг макарон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида шу йил Тошкент бўлка-қандолат комбинатида Италиядан келтирилган янги юқори унумли «Бранбайти» ускунаси муддатидан уч ой олдин ишга туширилди. Натижада меҳнаткашлар учун қўшимча 2000 тоннага яқин макарон маҳсулотлари тайёрланди. Бундан ташқари ноябрь ойида Хоразм вилоятининг Хонқа шаҳрида йилига 2000 тоннадан ортиқ макарон ишлаб чиқарадиган янги цех иш бошлади.

Аҳолини қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Тошкент бўлка-қандолат комбинатида янги механизациялашган пирожное ишлаб чиқарувчи «Эклер» линияси цехи ишга тушди. Қарши нон ишлаб чиқариш бирлашмасида тешик кулча, ширин қаламча, пряниклар, гурунчли ширин қаламчалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фарғона нон ишлаб чиқариш бирлашмасида қандолат цехи қайта жиҳозланиб, печенье ишлаб чиқарувчи янги А2—ПШЗЛ линияси ҳамда вафли ишлаб чиқарадиган линия ўрнатилди. Кўрилган барча чора-тадбирлар сифат масаласини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

— Халқ фаровонлиги — кўзда тутилган бош масала. Ёрдамчи хўжаликларни назарда тутаяпман, албатта. Сиз раҳбарлик қилаётган вазирлик бу борада қандай ишларни амалга оширади? Чунки, «тома-тома кўл бўлур» дейди халқимиз. Ўз-ўзини таъминлаш кун тартибидаги масалаку!..

— Вазирлигимиз қарамоғидаги ҳудудий бирлашмалар, корхоналар ҳал этаётган вазифалардан бири тармоқ ходимларини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлашдир. Бу борада имкониятлардан ҳар тарафлама фойдаланяпмиз. Ҳозирги кунда тармоқ корхоналаридаги 63 та ёрдамчи хўжаликда 2920 қорамол, 6590 қўй-эчки, 4170 чўчқа, 22700 парранда боқилмоқда. Кейинги йилларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш муттасил кўпайиб бораётгани кишини қувонтиради. Ўтган хўжалик йилида 432 тонна гўшт, 790 тонна сут, 344 тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди. Бу 1986 йилга нисбатан 198,5 тонна кўп гўшт, 449 тонна кўп сут, 169 тонна кўп полиз маҳсулотлари демакдир.

Бухоро ҳудудий бирлашмасининг ва бир қанча корхоналаримизнинг олиб бораётган ишлари қувонарли. Бухоро бош корхонаси бўйича 1 киши ҳисобига 100 кг гўшт, 60 кг сут етиштирилди. Бу кўрсаткич Қоракўл дон маҳсулотлари корхонасида 60—90, Гагарин дон маҳсулотлари корхонасида 50—180, Шўрчи дон маҳсулотлари корхонасида эса 40—55, Оҳангарон дон маҳсулотлари корхонасида 40—200 килограммни ташкил этди.

Бироқ ўсиш суръатлари тармоқ меҳнат аҳлининг эҳтиёжларини қониқтирмайди. Чунки, айрим бирлашмалар, корхоналарда моллар маҳсулдорлиги ошиб бораётган бўлса, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, ҚҚМЖдаги бирлашмаларда аҳвол яхши эмас. Бу ўз навбатида гўшт ва сут етиштиришда вазирликнинг йиллик кўрсаткичларига таъсир этмай қолмайди.

Режаларни муттасил бажариш, энг муҳими соҳамиз ишчилари дастурхонини турли хил, шу жумладан, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш учун нима қилиш керак? Умуман бизда гўшт, сут, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари бемалол бўлиши учун имкониятлар борми?

Шу мақсадда бирлашмалар, корхоналар билан бирга 1991—1995 йилларга мўлжалланган ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш дастури вазирлигимиз ҳайъатида кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Ушбу дастурга мувофиқ тармоқ бўйича киши ҳисобига етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотларини 1991 йилда 22, 32 кг ва 1995 йилда 40, 60 кгга етказиш кўзда тутилган.

— Абдумутал Ҳошимович, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган вазирликнинг қўли гул новвойлари, техник ходимлари ишларига катта муваффақиятлар тилаймиз. Янги йил янги ютуқлар, дастурхонимиз тўкинлиги йили бўлсин.

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

АХБОРОТ

ПУХТА ЗАМИН

Самарқанд ноҳиясидаги «Ленинизм» давлат хўжалигининг 1-бўлими меҳнаткашлари 1991 йил ҳосили учун пухта замин тайёрлаяптилар. Ҳозир, бутун эътибор қишки дала ишларини намунали ўтказишга қаратилган. Айни кунларда далаларга беш юз тоннадан эзиб маҳаллий ўғит чиқарилди. 31 гектар ердаги оралиқ экин суғорилди.

Дала ишларида И. Аҳмедов, А. Сирожов, М. Эргашевлар барчага ўрнак кўрсатяптилар. Шунингдек, маҳаллий ўғит ташишда кўмаклашаётган тележкачилардан О. Назаров, Қ. Орзиевларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.

Ш. КАМОЛОВ.

МЕҲНАТ БАҲСИ

Айни кунларда Хонқа ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги пахта далаларида бўлғуси ҳосилга қизғин тайёргарлик кўрилянти. Кузгаёқ пахта майдонлари рўзапоядан тозаланди, 228 гектар майдон шудгорланди, 27 минг метр узунликдаги ариқлар сув очишга ҳозирланди.

Хўжаликда бундай ишлар ўз-ўзидан бажарилмади. Унда, айниқса, ўзаро меҳнат баҳси асосида иш юритаётган етакчи бригадаларининг ҳиссаси бор. А. Ортиқов, М. Исмонлов бошлиқ бригадалар ҳамда 7-бригаданинг С. Йўлдошев, А. Ҳайитов сингари механизаторларнинг ғайратлари туфайли далаларда иш унуми тобора ошмоқда.

Ш. ЭШЖОНОВА.

КАНАЛ ҚАЗИЛЯПТИ

Фарғона водийсида қишлоқ хўжалик ерларининг унумдорлигини ошириш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда.

Эндиликда ана шу мақсадда марказий Фарғона чўлларидан ўтувчи «Аччиқкўл» каналини қазиш ишлари бошлаб юборилган.

Мазкур объектдаги ишларни 482 - гидромеханизациялашган кўчма колоннанинг 8-участкаси азамат қурувчилари амалга оширишяпти. Ҳозир бу ерда Т. Қодиров, В. Никитин, Ю. Хўжамов, В. Кан сингари бинокорлар тупроқ ковлаш ишларини тез ва соз бажаришмоқда.

Участка қурувчилари канални 1993 йилнинг март ойигача қазиб битказишга аҳд қилишган. «Аччиқкўл» канали ишга туширилгандан сўнг, Фарғона вилоятининг Бувайда, Ленинград, ва Наманган вилоятининг Поп, Задарё, ноҳияларига обҳаёт келади. Натижада водийдаги минглаб гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланади.

И. РАҲМОНОВ,
Фарғона вилояти.

БАЛЛИ РЎЗИБОЙ!

Поп ноҳиясидаги 2-механизациялашган кўчма колонна экскаваторчиси, коммунист Р. Сулаймонов ўз ваъдасига вафо қилди.

У бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий режасини уддалашга сўз берган эди.

Иш ва сўз бирлигига амал қилган Рўзибой куни кеча 1 миллион 510 минг куб метр тупроқ ишларини бажариб, кўзлаган маррасига етди.

Кейинги йилларда кўчма колоннадаги ташаббускор ишчи Р. Сулаймоновнинг издошлари кўпайиб бормоқда. Жумладан, Б. Абдуллаев, И. Мирбадалов, Т. Отабоев сингари экскаваторчи ва бульдозерчилар ҳам ўн иккинчи беш йиллик режаларини муддатидан илгари уддалаб, 1991 йил ҳисобига ишлашяпти.

С. ҚУЧҚОРОВ,
Наманган вилояти.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

КУЧЛИ ЖАЛА

ҚОҲИРА. Миср Араб Жумҳуриятининг Қизил денгиз соҳилларида, Синайда ва юқори Мисрда 12 соатдан кўпроқ вақт сурункасига кучли жала ёғди. Одатдан ташқари узоқ давом этган қурғоқчиликдан сўнг ёққан бу ёмғир деҳконларга қувонч билан бирга ташвиш келтирди.

Асвон вилояти ва юқори Мисрнинг бошқа ноҳияларидаги аҳоли манзилгоҳларига катта зиён етди. Шаҳар ва қишлоқларнинг кўчаларини сув босди, электр энергияси бериш тўхтаб қолди, телефон алоқаси узилди, бир қанча жойларда транспорт ҳаракати тўхтаб қолди, кўплаб корхоналар ва муассасалар ишламади. Бир нечта қишлоқда уйжойлар вайрон бўлди.

Синай ярим оролининг айрим жойларида ва Қизил денгиз соҳилида сел кўчкилари юз берди.

ДУНЁДА БЕШИНЧИ

ЖАКАРТА. Аҳолисининг сони жиҳатидан дунёда бешинчи ўринни эгаллаб турган Индонезияда аҳоли 179,3 миллион кишидан ошиб кетди. Бироқ аҳолининг ўсиш суръатлари пасайиб, ҳозир йилига 2 фоиздан камроқни ташкил этмоқда.

Бу ерда эълон қилинган аҳолини ялпи рўйхатга олиш маълумотларига кўра, 1990 йилнинг 31 октябрида Индонезияда 179 321 641 киши, шу жумладан 89 448 235 эркак ва 89 873 406 хотин-қиз яшаган. Сўнгги 10 йил мобайнида мамлакат аҳолисининг ўсиши қарийб 32 миллион кишини ёки 70 йиллардаги 2,32 фоиз ўрнига йилига 2 фоиздан камроқни ташкил этди. Аҳолининг ўсиш суръатлари анчагина пасайганлиги оилани режалаштириш ва туғилишни тартибга солиш умуммиллий тадбири ижобий натижалар келтирганлигидан далолат беради, деди мамлакат аҳолисига янги йил мурожаатида Индонезия Президенти Сухарто.

ИШОНЧСИЗЛИК УЙҒОТДИ

КАТМАНДУ. Ўтган йилнинг баҳорида Непалда демократияни тиклаш ҳаракати чоғида 45 киши ҳалок бўлган ва 2 мингдан зиёд кишн жароҳатланган. Қурбонлар сонини ҳамда намойишлар қатнашчиларининг ҳалокатига сабаб бўлган айбдорларни аниқлаш мақсадида тузилган ҳукумат комиссияси шундай хулосага келди, деб хабар беради «Райзинг непал» газетаси.

Комиссиянинг бу ерда эълон қилинган маълумотномаси кўпгина сиёсат ва жамоат арбобларида ишончсизлик уйғотди. Чунки Непал халқининг кураши чоғида полиция билан армия ўртасида қонли тўқнашувлар ҳам юз берган. 1990 йилнинг 6 апрель куни мамлакат тарихига «Қора жума» сифатида кирган. Шу куни Катмандуда полиция ва аскарлар кўп минг кишилик намойиш қатнашчиларига қарата ўт очишган.

(ТАСС).

• *Партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлар*

МАҚСАД—ЭЛ-ЮРТ ТЎКИНЛИГИ

Юртимизни доимо ҳудудсиз уммонга қиёс қиламан. Довул турганда кичкина денгизларда мавжлар ғалаёни ўзига яраша бўлади. Аммо поёни кўринмайдиган уммонда-чи? Бу асос ғалаённи кўз олдимга келтираману сесканиб кетаман. Ахир унинг қудрати унчамунча кемани, бўштоб қирғоқларни парчалаб ташлашига шубҳа борми?!

Шу кеча-кундузда бепоён мамлакатимизда уммондаги сингари нотинчлик ҳукм сурмоқда. Ўн беш жумҳурият тўлқинлар, мавжларда қалқиб турибди. Бу пайтда кимга қийин—дарғага қийин. Қарши ноҳияси фирқа қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари ноҳия кенгашининг раиси Маруся Гелдиева билан суҳбатлашар эканмиз шу фикрлар ҳаёлимдан ўтди...

— Тўғри ўйлабсиз, — деди Маруся Гелдиевна, — довулми, бўронми барибир йўл топишимиз керак. Бу коммунистларнинг виждон иши, бурчи. Шунча йиллар Коммунистик партияга ишонч билан қараб келган меҳнаткашларимизнинг ора йўлда қолиши маҳдуд уюшмаларга эргашиб кетиши мумкин эмас ахир.

— Бунинг учун аниқ режалар борми?—сўрайман яна.

— Бор, энг биринчи кўрган тадбиримиз — қишлоқ Кенгашларига тўла эркинлик бердик.

— Тушунолмадим, қандай эркинлик?

— Халқ, депутатлари ноҳия Кенгаши, қишлоқ Кенгаши фаолияти, агар ишнинг катта-кичиклиги бўлмаса, деярли ҳамоҳанг: халқнинг талабларини бажариш, унинг турмуш даражасини кўтаришда жон куйдириш. Аввалари қандай масала бўлса ноҳия Кенгашида муҳокама қилинарди. Ҳозир иш шароити ундай эмас, ҳар бир қишлоқ Кенгаши қошида ўз комиссияси иш олиб бормоқда. Қишлоқ Кенгаши ҳудудида кучи етадиган масалалар комиссиясида муҳокама этилади. Пайсалга солинмай ҳал этишга киришилади. Ноҳия Кенгашидаги фирқа гуруҳимизнинг энг яхши ташаббуси шу деб ўйлайман.

— Ноҳия кенгашига юмушлар қолмас экан-да?

— Нега энди? — Маруся Гелдиевна синовчан тикилди. — Иш ҳаммамизга ҳам топилади. Фақат хоҳиш бўлса бас. Маҳаллий Кенгашларга катта ҳуқуқларни бериб икки марта ютдик. Биринчиси: ноҳия Кенгашида миқёси катта масалаларни кўриб чиқамиз. Иккинчиси: коммунистларнинг ҳам, фирқасиз депутатларнинг ҳам масъулияти кучайди. Чунки қилган ишингга ўзинг жавоб берганингдан кейин, ниҳоятда хушёр бўласан киши.

— Бажарилган ишларнинг назорати нима бўлади?

— Депутатлар қишлоқ Кенгашига доимо ҳисоб бериб туради. Сайловчилар билан бўладиган мунтазам учрашувларда қилаётган ишлари ҳақида сўзлаб берадилар. Қолаверса бизга ҳам...

— Ноҳия Кенгаши қандай масалаларда депутатларга ёрдам кўрсатади?

— Биз ҳамиша ёрдамга шаймиз. Қайси депутатга қачон, қандай ёрдам керак бўлса ҳам маслаҳат билан, ҳам амалий фаолият билан ҳамкормиз.

— Кенгашлардаги фирқа гуруҳини назарда тутяпсиз, тўғрими?

— Албатта. Ҳар бир маҳаллий Кенгаш ҳузурида партия гуруҳлари иш олиб боради. Гуруҳ аъзолари ҳар ишда ташаббускор, бош-қош. Масалан, бу йилги терим мавсумида гуруҳимиз аъзолари барча шўро хўжалиги ва жамоа хўжаликларида бўлиб, пахтакорларнинг эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар. Қайси бригадага нима зарур бўлса, дала шийпонларига етказиб берилди. Ҳам иш унуми ошди, ҳам пахтакорларнинг ташвиши камайди.

— Бу ишлар таҳсинга сазовор-ку, аммо қурилиш масалаларида қишлоқ Кенгашлари депутатлари қандай фаолият кўрсатади?

— Ҳозир ҳар бир шўро хўжалигига меъмор штати берилган. Демак ҳар бир хўжалик ўз хоҳишига кўра қишлоқ ёки янги посёлка бош режасини тузаверади. Биз зарур бўлганда қурилиш материаллари топишга ёрдам берамиз. Хуллас, қишлоқ Кенгашларига тўла эркинлик бериш кўнгилдагидек натижаларга эришиш омили эканлигини ҳаёт кўрсатди.

— Ноҳия Кенгашининг иш фаолияти ҳақида ҳам сўзласангиз, — илтимос қилдим мен. — Фирқа гуруҳида нечта коммунист бор ўзи?

— Ноҳия Кенгашида 80 депутат бор, 53 нафари коммунист. Ноҳия Кенгаши сессиясидан олдин гуруҳимиз аъзолари билан сессияга киритиладиган масалаларни ўрганиб чиқамиз. Ўз таклифларимизни айтамиз. Таклифларимизнинг тўғрилигини ҳимоя қиламиз.

— Гуруҳ раиси сиздан бошқа киши бўлса яхши эмасми?

— Яхши бўлади. Лекин бир ишни ҳал қилишимиз чўзилади. Гуруҳ бошлиғи ноҳия Кенгашига ҳисоб бериши, масалани ўрганишга тавсия этиши керак. Коммунистлар қарори бу.

— Ноҳия Кенгаши депутатларига вилоят Кенгаши депутатлари ҳам кўмаклашадими?

— Бўлмасам-чи! ССЖИ халқ депутати Санобар Раҳимова билан ҳам доимий алоқадамиз. Хуллас, ҳамма депутатлар ҳамфикр, қўлни қўлга бериб ишламоқдамиз. Коммунистик партиямизнинг шиори халқ фаровонлигини ошириш экан, биз шу йўлда ҳатто қўлдан келганидан ортиқроқ даражада ишлаймиз.

Депутатларга берилган наказларга кўз ташлайман: Балхи қишлоғида мактаб қурилиши, фельдшер-акушерлик пункти қуриш, қишлоқларни газлаштириш учун лойиҳа тайёрлашни тезлаштириш, «Аврора» совхозида консерва заводи қуриш, маҳаллани телефонлаштириш... Ҳаммаси зарур, ҳаммаси халқ учун керак. Уларни бажариш учун эса ишлаш керак. Ишлаш учун эса имконият қидириш лозим. Халқ депутатлари Қарши ноҳияси Кенгаши партия гуруҳи раҳбуддасидан чиқади, албатта. Улар ўз тадбиркорлиги билан ҳар бир юмушни ҳал эта оладилар.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ТОМСК. КПСС Томск вилоят қўмитаси партия ходимлари иш ҳақи фондини тежаш ҳисобига ўз бюджетидан ногиронлар Бутунроссия жамияти ва «Ёдгорлик»нинг вилоят ташкилотлари учун пул ажратди. Бу пул ногиронларни соғломлаштириш ва ижтимоий жиҳатдан мослаштириш марказини қурилишига, Сталин қатағонларининг қурбонлари хотирасига китобини нашр этишга сарфланади.

ИВАНО-ФРАНКОВСК. Вилоят марказида яшовчи барча камбағал пенсионерларга янги йилдан бошлаб автобус ва троллейбусларда текин юриш ҳуқуқи берилди. Халқ депутатлари шаҳар Совети сессияси шундай қарор қабул қилди. Бу қарор пенсияси юз сўмдан ошмайдиган кишиларга қўлланилади. Пенсия дафтарчаси патта ҳисобланади. Бундай ижтимоий тадбирни амалга ошириш учун 30 минг сўм зарур. Шу пулнинг ярмини йирик саноат корхоналари ўтказади, қолган қисмини шаҳар хазинаси ажратади.

ПАНЕВЕЖИС (Литва). «Веритум» («Яшайвер») деган янги корхона туфайли шаҳар ижтимоий таъминот жамғармасига юз минг сўм қўшилади. Бу корхона шаҳар Совети ҳузурида тузилди ва пенсияларни эгаларига етказиб беришни ўз зиммасига олди. Шу вақтга қадар пенсияларни почтальонлар тарқатар эдилар, алоқачилар бу хизмат учун пенсия миқдорининг 2,4 фоизини олиб қолар эдилар. «Веритум» бундай хизмат учун атиги 1,8 фоиз ҳақ олади, бинобарин фарқи салкам 100 минг сўмни ташкил этади. Бу ерда атиги 28 киши ишлайди. Паневежисда 28,5 минг пенсионер яшаётганлиги ҳисобга олинса «Веритум»нинг ҳар бир ходими бир ойда минг нафардан зиёд пенсионерга хизмат қилади.

[ТАСС муҳбирларининг хабарларидан].

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Совет ташкилотлари Хивадаги Ичан-қалъа музей-қўриқхонаси фондига тўртта ноёб китоб ҳадя этди. Биттаси 1899 йилда Қозонда нашр этилган «Қуръон» бўлса, иккитаси «Аждодлар тарихи» китобининг қўлёзма ва нашр нусхасидир. Тўртинчи китобда бухоролик ҳаттот Мулла Муҳаммад томонидан 1848 йилда ёзилган «Хўжа Ҳофиз Шерозий» қўлёзмаси жамланган.

Ҳозирги кунда музей-қўриқхона фондида ўн бир минг китоб ва қўлёзмалар сақланмоқда. Улар турли даврларда ва йилларда ёзилган, нашр этилган.

СУРАТДА: (чапдан) Хива музей-қўриқхонасининг директори, тарих фанлари номзоди Абдулла Абдурасулов ва музей илмий ходими Низомиддин Қорриев совға этилган қўлёзмалар билан танишмоқда.

К. ОТАЕВ суратга олган (ЎзТАГ).

РСФСЖ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИ МАТБУОТ ШЎЪБАСИНИНГ ХАБАРИ

3 январь куни бир қатор оммавий ахборот воситаларида «Постфактум» ахборот агентлигига ишора қилиниб, гўё РСФСЖ Олий Кенгашининг Раиси Б. Н. Ельцин Кемеровода ишчилар ҳаракатининг раҳбарлари билан учрашганлиги ва РСФСЖ билан Ўзбекистон ССЖ ўртасида шартнома имзоланганлиги хабар қилинди. РСФСЖ Олий Кенгаши Раёсатининг матбуот шўъбаси мазкур хабар нотўғри эканини ва ҳақиқатга тўғри келмаслигини билдиради.

УЮШМА ИШ БОШЛАДИ

Сирдарё вилоятида эндигина ташкил топган шахсий томорқа хўжаликлари эгалари уюшмаси ўз фаолиятини қишлоқ кенгашлари ҳузурида зооветеринария пунктлари очишдан бошлади. Бу пунктлар уй фермаларида боқилаётган молларни ўз оталигига олади. Ҳозирга қадар шахсий томорқалардаги жониворлар амалда ветеринария назоратисиз қолаётган эди.

Қишлоқ кенгашлари ҳузурида ихтисослашган ем-хашак дўконлари ҳам очилмоқда. Бу ерда Оқолтин дон маҳсулотлари комбинатининг ҳамда Гулистон ёғ-экстракция заводининг чиқиндилар сотилади.

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси билан шартнома имзоланди. Шартномага кўра унинг бўлинмалари қишлоқлар аҳолисига камида 6 миллион сўмлик турли хизматлар кўрсатади, шу жумладан транспорт ва техника беради, уюшма фермерларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрловчилар, сувчилар ва бошқа шериклар билан ўзаро муносабатларини тартибга солишда ёрдам ҳам беради.

(ЎзТАГ муҳбири).

• *АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН*

Иброҳим ҒАФУРОВ

АМИР АЛИШЕРНИНГ ТАВБАСИ

ҲИКОЯ

Фалакнинг эврилишданми ё бошқа, билмай қоласан: баъзан атрофингни сенга ёт нарсалар қуршаб олади. Расталардан аста-секин сен харидор нарсалар йўқолади. Қадим-қадимларда бир нозанин чўри бозорда айтгандай; сен суймаган харидорлар пайдарпай келади. Сен суйган харидор эса топилмайди.

Саройда шоҳнинг энг яқин мулозимлари тавозеда аввалгидай заррача эътиносизликка йўл қўймасалар-да, лекин кўзларини сендан олиб қочадилар. Шоҳ эса ҳеч нарсани билдирмайди. У ҳамон ўша-ўша ўзини сенга мурид санайди. Лекин мамлакат ишлари маслаҳатига сени аввалгидай дам-бадам йўқлатмайди. Баъзан вазирнинг шоҳ билан узоқ-узоқ ҳуфя суҳбатлари устидан чиқасан. Салтанатда сендан ҳуфя ишлар пайдо бўлдими, билгилки, энди сенинг хизматларингга муҳтож эмаслар.

Навоий шоҳларнинг илтифоти оғу эканлигини билади. Бу оғуга ўрганган одам уни дам-бадам қўмсаши табиий. Тинмай шоҳнинг илтифотини қозониш йўлларини қидиради. Бу илтифот шу қадар лазиз, шу қадар ширинки!.. Унинг домига илинмайдиган одам кам! Кам-дан-кам! Бу илтифот илинжида юрувчилар эса кўп! Ҳаддан зиёд кўп! Улар бу илтифотга эришгунларича ўзларини ҳаддан ташқари нотинч ва бахтсиз сезадилар. Илтифотга эришгач эса, бошлари осмонга етади, оламда улардан ҳам бахтиёрроқ зот йўқ! Гўё кўкнинг саодат ёғиладиган мовий дарвозаси очилиб, ундан сенинг қўранг сари мислсиз бойлик ортган карвонлар шоҳона оқ отлар етагида тўхтовсиз келадилар. Қандай ширин бу илтифот!

Лекин ҳамма бало шундаки, сен бу бойликлар, иноятлардан роҳатланиб улгурмайсан. Қазонинг қиличи бошқа чопарлар, бошқа отларни сенга жўнатади. Сени хаш-паш дегунча ё қатл этадилар, ё бадарға қиладилар, ё мол-мулкинг талон-тарожда қолади. Ана ўшанда шўрлик илтифот шайдосининг аҳволини кўринг. У нималигини англаб етар-етмай ўзини жаҳаннам қаърида кўради.

Шоҳ илтифоти шунчалар нозик, шунчалар заҳарли! Энг буюк, энг одил шоҳларнинг илтифотларига ҳам шу ғаройиб оғу омухта.

Ҳа, шоҳларнинг илтифотлари тез сўнади. Сўнса ҳам гўрга! Ундан ҳам баттар! Илтифот нафратга айланади. Шоҳларнинг илтифот ва нафратидан доим қон иси анқийди. Алҳазар! Алҳазар бу илтифотлардан.

Навоий Дарвеш Алининг кутилмаган саркашлигига қадар нечукдир ўзини Ҳусайн Бойқаро билан бир одам деб биларди. Шоҳнинг нозик бир қарашидан ва бу қараш сарой аҳли учун қанчалар катта аҳамиятга эга эканлигини сездики, бу янглиш экан, ҳеч қачон шоҳ билан бир одам эмас эканлар! Бир одам бўлолмас эканлар! Навоий ҳеч қачон шоҳ манфаатидан ўзга манфаатни хаёлига келтирмаган эди. Шоҳ ҳам шундай деб билса керак деб юрарди. Бу борада ҳеч қачон заррача иштибога борган эмасди.

Лекин унда бу совуқчиликлар қаердан сизиб чиқяпти?

Навоий бирдан миясига келган кутилмаган фикрдан ҳаяжонга тушди: «Наҳотки мен ҳам шоҳнинг илтифотлари соясида шу омонсиз оғуни ичиб яшашга ўрганиб қолган бўлсам? Наҳот менинг ҳаёт-мамотим шоҳнинг ногаҳон қош чимиришию лабининг четида ўйнайдиган киноялари табассумига боғланиб қолган? Наҳот мен шу ёшгача улуғ даргоҳдан илтифот кутиб яшадим? Ахир бировнинг илтифотига суяниб кун кўрган одам илтифотининг сути камайса, қандай аҳволга тушади?

— Ҳиридан кетмоқ керак, — деб тез-тез шу ҳақда ўйлайди Навоий. — Ҳиридан кетмоқ керак. Қирқ бешга чиқиббиз. Лекин роҳат айёмида роҳатимиз ҳаром бўлибдур. Фароғатимиз салтанат юмушларига зое ўлмиш.

Навоий ҳеч қачон қўрқув деган нарсани билган эмас. Лекин саройда яқин кишиларнинг ўзларини ундан олиб қочаётганлари уни ортиқ даражада қийнайди. Темурийзодалар ҳамон илгаригидек шижоатли, закий ва ўта саховатли эсалар-да, лекин шоҳнинг маишатга тобора мук тушаётганидан, шаҳзодаларнинг ҳаддан ортиқ бачкана низоларга кун-бакун бошлари ила билан шўнғиб, майда низолар атрофида майда кимсалар кўпроқ йиғилиб бораётганидан юрагинг қон бўлади, айниқса, мирзоларнинг аянчли бир тарзда майдалашиб чиранчоқ бўлиб кетаётганликларини ҳар дамда ҳис қилиш жуда-жуда оғир. Темурийзодаларнинг қуёши май ва низо ичига ботиб турур. Қонга ғарқ бу қуёшни ким қутқарур? Ким уни авжи фалакка кўтарур? Во ажаб! Барча шаҳзодалар уни ўзларига пир деб биладилар. Унинг барча абётларини ёд тутадилар. Унинг панду насиҳатларига қулоқ осадилар. Лекин салтанат шавқи уларнинг қонларида ҳар доим тўхтовсиз жунбушга келадур. Салтанат шовқини қонда гупурганда ҳар қандай доно сўз, ҳар қандай пири муршид унут бўладур. Гўёким ҳар бир темурийзодаким, дунёга келадур, она қорнидан қилич ялангочлаб тушадур. Ашъор айтадурлар, ашъор тинглайдурлар, ва қон тўкадурлар. Мирзоларнинг қуввати ҳарамларда йитадур. Мирзоларнинг шавкати ҳарамларда ётадур. Ҳарамларда ўладур. Шоҳларнинг умри битаётганда уларнинг тевараклари қалангиқасанғи майда ҳашоратлар ўраб ўладилар. Булар шоҳнинг инқирозини тезлаштирадилар. Фозиллар шоҳ атрофидан четлашадилар. Улар бирин-сирин ўзга юртларга бош олиб кетадилар. Ё саройдан буткул узоқлашадилар. Давлат идора ишлари бир тўда шуҳратпараст каламушларга қолади. Улар шоҳнинг ва шаҳзодаларнинг заифлашиб бораётганидан фойдаланиб, мамлакатни, эл-юртни талайдилар. Боғ-бўстонларни кемирадилар. Қадим шаҳарларни емирадилар. Шоҳ ўзидан ақли анча паст одамларни атрофига йиғади. Ақли қосирлар билан кенгаш қуради. Улар орасида ўз ақлидан мамнун бўлиб ўтиради. Ғурурини турли алдамчи йўллар билан алқайди. Менинг боболарим бари темурийлар салтанатининг гуллаб-яшнаши учун жон куйдирганлар. Эл-юрт идорасида мустаҳкам ва шаърий тартиботни йўлга қўйганлар. Менинг боболарим темурийлар давлатининг барча катта-кичик сирларидан воқиф ва ҳар ишга чорасоз эдилар. Мен темурийлар хонадонининг энг сўнгги яқиниман ва энг сўнгги чорарасиман. Мендин сўнг темурийзодалар хонадонларида мирлар хонадонларидан маходим бўлмагай. Бизнинг хизматимиз битган ўхшайдур...

Ҳали султони мансурнинг билагида куч, юрагида дов кўп. У ҳали ҳамон ўзини қўлга олса бўлур. Лекин ҳарамнинг тегирмони унинг бутун вужудини сўриб олади. Қувватини қайтариш учун эса тинмай маишат қилади, майхўрлик билан бари дардларини ювмоқчи бўлади. Баковулга улфат ва сирдош тутинади. Баковул... баковул...

Навоий икки-уч ой бурун бўлиб ўтган бир таажжуб воқеани эслади. Юраги қаттиқ қисилди. Шармисорлик... шармисорлик... — деб пичирлади у.

Атрофини совуқчилик ўраган одам жуда қийин аҳволда қолади. Атрофдаги кўзлардан меҳр ва ҳайриҳоҳлик кетганлигини кўриб у бу кўзларга қандай қараш кераклигини анча вақтларгача англаб етолмайди. Атрофига қаттиқ совуқчилик тушган одам ё ғволадан қочиб ёлғизликни ихтиёр этади, Ёхуд ўзини ўтга-чўққа уриб саройдаги илгариги мавқеини тиклашга, ҳар қандай қилиб бўлмасин, совуқчиликнинг манбаини топиб, дўпманларини янчиб ташлашга уринади. Шунда у жуда катта хатоларга йўл қўйиши мумкин. Сўнг бу хатолардан умр бўйи уялиб, уларни эслаганда ўзини қўярга жой тополмай юради. Ё тамом ҳалок бўлади.

Навоий саройдаги совуқчиликнинг қайдан келиб чиқаётганлигини пайқади. Лекин пайқаганини саройдан четга тортди. Янги вазир ва унинг мулозимлари ишига аралашмоқни ўзига эп кўрмади.

— Шармисорлик... шармисорлик... оҳ, не юзим қаро бўлди... —ўзига ўзи шивирлаб айтди Навоий.

Гарчи орадан бир неча ойлар ўтган эсада, ҳамон бу жароҳат битмайди. Ҳамон сира ёддан кўтарилай демайди. Ҳамон ўша оғриқ. Ўша алам. Ўша кин...

У воқеанинг барча тафсилотлари хотирасида бунчалар қаттиқ муҳрланиб қолганига Алишернинг ўзи ҳам ажабланади.

Неча дақиқада бўлиб ўтди у юз қаролик? Бир зум ё ўн зум, ё эллик зум? Бир зум... бир зум... — пичирлади ҳазрат. — Кўз очиб юмгунча... Сўфийлар айтган ҳолга ўхшайди бу бир зум. Ярқ этиб бутун яшаган умринг кўз ўнгингда намоён бўлади. Гўё атойи умрдан хулоса. Навоий «бир зум», «бир зум» деб пичирлаб бирдан бу «бир зум» қаердан келиб қолганлигини эслади. Йигитлик айёминнинг бошлари Султон Абусаид Мирзонинг қисти-бастидан безиб Машҳадга борган чоғларини, бўғинлари зирқираб оғриб, оғриқнинг зўрига чидолмай бир хонақоҳда йиқилиб ётиб қолганини ва иситма аралаш муттасил «Бир зум! Бир зум! Бахт бир зум! Тахт бир зум! Ўтар бир зум!» — деб тўхтовсиз такрорлаб ётган чоғлари ёдига тушди. Ўша оғир замонларда ҳам, на Машҳад, на Астробод, на Марв, на Самарқандда бунчалик паришон, ошуфта ва бесарупо аҳволлиққа тушмаган эди. Нега, нега шундай бўлди? Нечун югурди. Ненинг тамасида югурди. Ахир Навоий қачон, кимдан нени тама қилиб эрди? Кимнинг ризқи, кимнинг давлатига бўйин чўзиб эрди? Боболаридан қолган не-не мулку мулкатлар Хуросону Мавороуннаҳрнинг қайси гўшаларига сочилмаган ва қайси эл-юрт ул мулку давлатлардан баҳраманд бўлмаган экан? Навоий ўз ожизликларини билади. Ҳар не ожизлиги бор — нозукмижозлиги ва ўжарлигида бор — буларни Алишер хўб жиловлаб олган, унинг ожизликларидан ўзгаларга тирноқча заҳму зиён етмас. Навоий ўзига икки нарса: қўрқинч ва тама ҳам мутлақ бегона эканлигини билади. Қўрқинч ва тама одамларни қанчалар хору забун қилганини у кичик чоғларидан бери кўп кўрган. Ва неки ёзган ҳаргиз яхшиларни тамадан огоҳ қилган. Хўш, унда не? Не билан изоҳламоқ керак бу кўргуликни?

Ўша жума куни у қулоғига дам-бадам чалинаётган узуқ-юлуқ ғвога ўхшаган гап-сўзлардан юраги безиб, барвақт пиёда ҳазрат Абдуллоҳ Ансорий хонақоҳига отланди. Унда ёлғиз ўзи жуда узоқ ибодат қилди. Ўз муножотига берилиб вақт ўтганини ҳам билмади. Дарвозага қайтганда кўча тўла оппоқ кийинган одамлар масжидлардан жума номозидан тўда-тўда бўлиб чиқиб келардилар. Мусулмонлар Алишерга тизза баравар эгилиб қуллуқ қилиб ўтар, Навоий елкасини енгил эгиб таъзим билан жавоб қайтарарди. У ўз дарвозасига яқинлаганда, нечукдир бирдан орқадан шовқин-сурон эшитилди «Пўшт! Пўшт! Таррақу! Таррақу! Таррақу!» — деб тўрт барзанги ғулом кўтарган тахти равон пайдо бўлди. Навоий нима гап экан деб орқасига ўгирилиб-ўгирилмай тахти равон унга етиб келди.

Кутилмаганда тахти равон пардаси сурилиб, кўзлари қийиқ, юзи тухумдай юмалоқ ва саргиш-оқ хушбичимгина чеҳра кўринди.

— Маҳдум, — деди оқ-саргиш хушрўй бу башара, — маҳдум, бугун ҳазрати Мирзо қошларида ажаб гапларни айтишди...

Парда яна сурилди. Хушрўй башара парда ортида ғойиб бўлди. Забардаст ғуломлар тахти равонни шиддат билан олиб ўтдилар. Алишер ҳайратдан ҳанг-манг бўлди. «Не гап? На гап бўлган?» — деб изтиробга тушди. Шунда бир неча ойдан бери давом этаётган, лекин ҳеч учи, сабабини топиб бўлмайдиган ғволарнинг заҳари Алишернинг бошига урди. У ўзининг нима қилаётганини англамади. Бутун азобли ўйларига ҳозир жавоб топилгандай эди. Ниҳоят, мана, гапнинг учи чиқди. Мирзо не деганлар? Мирзо мусоҳиблари не жавоб айлаганлар? Хайрми? Хатарми?

Алишер нима қилаётганига ҳисоб бермай шаҳд билан ўтиб бораётган тахти равон ортидан югурди. «Шошманг, маҳдум! Мирҳожи тўхтанг! Мирҳожи!..» Забардаст ғуломлар тахти равонни шитоб билан элтиб борар эдилар. Тахти равон тўхтамади. Алишер ҳам унинг ортидан югураверди. «Мирҳожи... Тўхтанг!..». Бироз югуриб боргач, тахти равон пардаси яна сурилди. Яна бояги оқ-саргиш хушрўй ва арчилган тухумдай калла кўринди. Калла қуёшдай чарақлаб илжаярди.

— Узрлар бўлсин! Узрлар бўлсин! Мирзо зарур иш билан жўнатган эдилар. Шошиб турибман. Хайр маҳдум!

Кўча тўла жума номозидан қайтаётган бошдан оёқ оқ кийинган, салобат ва виқорга тўла одамлар бу воқеага ажабланиб қарашар, ҳеч нарсани тушунолмай улуғ амирнинг шоҳ баковули ортидан қўлини илтижо билан чўзиб югуриб боришини томоша қилишарди. Тахти равон жадал кўздан ғойиб бўлди. Алишер кўча ўртасида хаёллари сочилган кўйи харосон турib қолди. Мусулмонлар унинг шамгин ҳолига, уятдан оқарган кўзига кўзимиз тушмасин деб, бошларини паст эгиб ўтардилар. Навоий ҳаддан ортиқ кулгили ва аянчли аҳволда қолганини бир пасдан сўнг англади ва бошини ердан кўтармай ҳашаматли дарвозадан ичкарига кириб кетди. Анчагача дарвоза орқасига ҳолсиз суяниб турib қолди.

Мирҳожи Пир султони мансурнинг арзанда ошпази. Хуросонда унчалар лазиз таом пиширадиган ва гўзал дастурхон тузайдурган кимса йўқ. Кейинги пайтларда султони мансурга яқин. Ҳатто сирдош деса ҳам бўлур. Мулозимнинг шоҳга бунчалар яқин бўлишини Навоий илгари ҳеч кўрмаган. Султон Маҳмудга гўзал Аёз қандай бўлса, Мирҳожи Пир ҳам ҳозир подшоҳга шунчалар суюкли... Аммо не гап ўтди экан?

Алишернинг қайтганини ва не учундир беҳол дарвоза ортига суяниб турганини пайқаган зийрак мулозимлар югуриб келиб, уни қўлтиқлаб олдилар.

— Сизга не бўлди, пирим? Тобингиз қочдими? — деб ташвишланиб дарҳол уни авайлаб ичкари музайян хонага олдилар.

Алишер бир зум ичида кўкси, лаблари ортиқ қуруқшаб кетганлигини сезди. Гулоб ва шинни келтирдилар. Алишер тут шиннисидан андак тамшаниб тотинган бўлди. Шиннининг ўткир таъми кўксидаги оғриқни босгандай бўлди.

Лекин шу тобда саройда Мирзо ҳузурида қандай гап бўлмасин, Алишерга ҳеч қандай аҳамияти қолмагандай туюлди. Бироқ «Нега подшоҳ ошпазининг ортидан уялмай-нетмай ёш боладай югурдим», деган савол миясини ўймалар ва унга жавоб топишга қийналарди. «Ахир, подшоҳ: «Бор, сенга бутун Мавороуннаҳрнинг ихтиёрини бердим», деганда ҳам, у бундай апил-тапил чопмас эди-ку. «Ўғонимга маълум, чопмас эдим ва менга бундай ихтиёрнинг лозими йўқ эди», деб такрорлади ичида Алишер. Бир дарвеш айтган экан: «Бурга босган тўшакда ётиб бўлмагай. Тик турib ухлаган яхши». Сени мабодо ўй таласа ҳам ухлай олмас эдинг, эй дарвеш! — деб ичида хитоб қилди Навоий. — Ўй деган нарса бургадан ҳам қаттиқ талайди ва сени ҳолдан тойдириб йиқитмагунча қўймайди. Баковул иккй оғиз гапни шунчалар сирли ва маҳрамона айтдики, ҳар қандай одам унинг ортидан югурмай иложи йўқ эди. Менинг қонимда эса сирли нарсаларни билишга қизиқиш бор. Азиз боболаримдан, уларнинг кўкалтошлик ҳунаридан қолган бу одат менга. Лекин салтанат буюк амирининг сарой ошпазига эланиб чопганини тарих тарих бўлиб кўрмаган бўлса керак. Шармисорлик, — деб афсус билан такрорлади Навоий. Бутун Хуросон ва икки дарё орасида шеърлари ёд ўқилаётган шоирнинг ошпаз кетидан ёш гўдакдай ялинib чопганини ким кўрган ахир? Навоий такрор-такрор шу ҳақда ўйлар экан, бадани қизиб истимаси чиқа бошлади. Тама-ку бу! Тама-ку, бу! — деб қайтарди у бир неча марта. Мана, шоҳларга хизмат қилишнинг оқибати! Мана шоҳларга яқин бўлишнинг оқибати! Мана, ҳар бир асарда мадҳиялар айтмоқ ва қасидалар тўқимоқнинг оқибати! Уял, эй шоир! Кўзингни оч, эй Навоий. Шоҳлардан элга имдод умиди қилмоқ ва илтифот кутмоқ киши бошига хорлик келтиргай.

«Ошпаз ортидан югурган буюк амир! Ошпаз кетидан чопган улуғ шоир! Сени бу аҳволда ёш бола ҳам ўйинчоқ қилиб олади!». — Навоий ўзини аямай масхаралай бошлади. Ўзини аёвсиз саваларкан, бирдан Мирҳожи Пир атай шундай қилган, деган ўй миясини сирқиратиб ўтди. Эл олдида Навоий устидан кулди. Навоийни ёш боладек ўйнатди. Нечук ҳаддди сиғди? Нечук журъат этди?

Навоий шунда Мирҳожи Пир илгари ҳам шундай сирли гапларни сарой аъёнларига шипшиб юрганини эслади. Мирҳожи Пир оддий гап-сўзларни ҳам сирли қилиб айтишга уста комил эди. Бунинг устига подшоҳнинг арзанда баковули бўлгани учун унинг оғзидан чиққан энг жўн гаплар ҳам бошқаларга ғоятда сирли туюларди. Навоий Мирҳожи Пир шу бугун кечасиёқ янги вазирга бу ғаройиб воқеани хир-хир кулиб сўйлаб бераётгани ва янги вазирнинг кўкси тоғдай юксалиб бораётганлигини яққол тасаввур қилди.

У инграб ўрнидан турib кетди. Ташқарига чиқди. Оқшом туша бошлаган боғда қушларнинг кечки хонишлари авжга минган эди. Мулозимлар югуриб келдилар. «Пирим, буюринг», деб қўл қовуштириб турдилар. Навоий уларни ўз юмушларига қайтарди. Бир нарсага қатъий қарор бериб дарвозага йўналди. Мулозимлар унинг ортидан ташвиш-хавотир ичида кузатиб қолдилар.

Алишер ҳеч қаёққа қарамай ва ҳеч нарсага чалғимай тўғри ота-онасининг мозорига етиб келди. Қўёш ботиб бораркан, узоқ тиловат қилди. Сўнг бошини яланғочлади-да, ота пойининг тупроғидан ҳовучлаб олиб бошига устидан сочди. Бир сочди. Икки сочди. Уч сочди. Сочаверди. Сўнг то Ҳирот қуёши ботиб, атрофга қоронғулик чўккунича қабр пойига юкунib ўтирди.

Мирҳожи Пир Алишер устидан кутилмаганда шундай ғалаба қозонганидан сўнг босартусарини билмай қолди. Унинг тахти равони Ҳирот кўчаларида қирмизи ялов каби учарди. Тахти равон жиловида йигирмата гўзал йигитчалар зебо кийимлар кийиб, қўлларида олтин, биллур қадаҳларда май тутиб юрадиган бўлдилар. Мирҳожи Пир ҳашаматли тахти равонда ўтириб, ўйнаб бораётган йигитчалар қўлидан олтин қадаҳда май ичар, сўнг уларнинг нозанин чеҳраларидан ўпиб қўярди. Не шоҳлар, Баҳрому Искандарлар ҳам бундай дабдабаю базму маишатни кўрмаган эдилар.

Орадан уч-тўрт ой ўтиб мулозимнинг бу эркаликлари шоҳ мансурнинг қулоғига етди. Шоҳ баковул хонадонини талон-торожга буюрди.

Кўп ўтмай Алишер Астрободга кетди. Шоҳдан, саройдан, шаҳзодалардан буткул умидини узди. Баковул Навоий Астрободда экан, яна шоҳнинг ишончини қозонди. Астрободда унинг шогирдларидан бири Алишерни заҳарлашга уринди. Эл-юртда гап тарқалди. Яна Навоийнинг ўзи шоҳ мансур саройини бу фитна шармандалигидан сақлаб қолди. Шов-шувларни ёлғонга чиқарди. Шоҳ енгил тин олди.

Навоий умрининг сўнгги дамигача сарой баковули ортидан йигирма қадам югуриб борганини унутмади. Сўнг бу воқеани «Лисон уттайр»га ҳикоят қилиб киритди. Бундан илгарироқ, Навоий «Ҳайрат ул-аброр»ни тугатаркан, унда шоҳнинг бошидан баногоҳ шўрпо тўкиб юборган баковул ҳақида ёзган, у ҳикоятда ҳамма шоҳ энди баковулни ўлимга ҳукм қилади деб ўйлаган, лекин шоҳ баковулнинг қаттиқ ҳижолат чекканини кўриб, уни жазоламаган, бунинг уялганидан ўлимдан ҳам оғирроқ деган эди.

Навоий баковулни кечирмади.
Ўзини ҳам ўзи кечиролмади.

• *Ибн Сино мадади*

СЕҲРЛИ ХАЛҚАЛАР

Жумҳуриятимизда шикастбандлик ва ногирон касалликлари соҳасида ажойиб ютуқларга эришилди. Ҳозирги вақтда бемор суяги касалланганда ёки шикастланганда уни янги даволаш усуллари махсус темир ҳалқалар ёрдамида гипс қўйилмай даволаняпти. Тиғсиз операциялар қилиняпти. Синган суяк ўз ўрнига мослама ёрдамида қўйиляпти.

Ҳозирги вақтда олимлар томонидан тақдим этилган бу темир ҳалқалар иттифоқимиз барча ерларида махсус тиббиёт муассасасида қўлланилмоқда. Совет олимларининг узлуксиз илмий изланишлари катта кашфиётни ёқлашга сабабчи бўлди. Москва шаҳрида академик М. Волков, Қўрғон шаҳрида профессор Г. Илизаров ва бизнинг шифокорлар ҳам шундай мосламаларни ишлаб чиқдиларки, бунда синган суяк бўлакларини силжиш ва қийшиқликларини тўғрилабгина қолмай, уларни табиий узунликларини тиклашда ҳам қўл келаётир. Ушбу мосламалар ёрдамида бажариладиган тиғсиз ва қонсиз операциялар натижасида беморларда чўлоқликдан зарра ҳам асар қолмайди. Бемор мосламани оёқ ёки қўлига тақиб юра беради.

Суякни даволовчи бу мослама асосан 2 ёки 3 темир ҳалқадан иборат. Улар темир сихлар ва металл таёқчалар ёрдамида бир-бирига бирлаштирилади. Шикастланган суякни юқори ва пастидан махсус сихлар тик ҳолда ўтказилиб у темир ҳалқачаларга, темир ҳалқачалар эса бир-бирига темир таёқчалар билан бирлаштирилиб, у силжиган ва синган суякни ўз ўрнига мурувватлар ёрдамида буралиб жойига келтирилади ва шу ҳолда маҳкамлаб қўйилади. Бу сирли ҳалқалар суяк яхши битгунча сақланади. Мосламаларнинг афзаллиги шундаки, бу суякни ҳар хил касалликларни даволашдан ташқари уни узайтиришда ва лозим бўлганида қисқартиришда ҳам қўлланиш мумкин.

Киши оёғи ёки қўли суяклари баъзи сабабларга кўра суяк жароҳатининг нотўғри битиши, суяк чириши, суяк касалликлари натижасида ёки баъзи одамларда оёқ-қ суяклари туғма қисқа бўлиши мумкин, бунда эса мослама — сирли ҳалқалар қўл келади.

Операция йўли билан суякни 10-15 сантиметргача узайтириш мумкин. Оёқ суяклари қўл суякларига қараганда кўпроқ узаяди. Шуни айтиб ўтиш керакки, оёқ ёки қўлларни бири иккинчисидан фарқ қилиб қисқариб қолиши кишининг юришини ўзгартирибгина қолмай балки унинг умуртқа поғонаси, кўкрак қафаси, елка ва тос суякларининг қийшайиб қолишига, бўғинларнинг соғлом ривожланишига тўсқинлик қилиши натижасида киши қомати беўхшов бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолатлар ёш болаларнинг ўсишига ва ривожланишига таъсир қилиб, унга руҳий азоб ҳам беради.

Табиий савол туғилади, қандай ҳолларда суякни узайтирадиган мосламалар қўлланилади. Бу эса касалликларнинг келиб чиқишига, унинг касаллик вақтига, суякларнинг қанчалик қисқарганлигига, беморларнинг умумий ҳолати ва ёшига, суяк тўқималарининг қаттиқлигига ва бошқа сабабларга кўра ҳал қилинади. Бу эса жарроҳнинг билимдонлигига ҳам боғлиқ.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли шикастбандлик ва мажруҳлик беморларини даволовчи илмий-тадқиқот олийгоҳида ҳалқалар ёрдамида суякни даволаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу борада болалар ўртасида профессор Б. Мирзиҳмов ва тиббиёт фанлари доктори Р. Ҳўжаев, катталар ўртасида бу хил операцияларни тиббиёт фанлари докторн И. Акромов ва А. Облоқуловлар муваффақиятли ўтказяптилар. Шу кунга қадар олти юз дан ортиқ бемор абадий мажруҳликдан қутилиб, меҳнат қучоғига қайтдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, олийгоҳимиз шифокорлари бу соҳада ўз билимларини бойитиб, кейинги вақтда кўпчилик ходимлар шу соҳада тўрт муаллифлик ва ўндан ошиқ ихтирочилик гувоҳномасини олдилар.

Сеҳрли ҳалқалар мўъжиза. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча суяк касаллигига мубтало бўлган беморлар олийгоҳимиз олимлари томонидан муваффақиятли даволаняптилар. Зероки, бу каби беморларнинг четга боришларига ҳожат йўқ. Беморларнинг бу усулда даволаш барча вилоят шифохоналарида ҳам йўлга қўйилмоқда.

Ўз вақтида шифокорларга қилинган мурожаат, беморларнинг ҳакимлар кўрсатмасига қатъий риоя қилишлари ҳар қандай дарддан, шу жумладан, суяк жароҳатлари асоратидан тезроқ фориғ бўлишига олиб келиши турган гап.

Т. ЎНГБОЕВ,
профессор.
Т. ҲАСАНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.



• *Спорт* • • *Спорт* •

Спартакиада: БЕЛЛАШУВГА ҲОЗИРЛИК

● Жумҳуриятимиз полвонлари қатори дзюдочилар ҳам ССЖИ халқлари спартакиадасига ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар Белоруссия пойтахтида шу йил 24 январдан бошланадиган баҳсларда муваффақиятли беллашишни кўзлашмоқда. Жумҳурият терма командаси Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларнинг ғолибларидан таркиб топган. Уларнинг мақсади аввал эгалланган бешинчи ўриндан юқорига кўтарилишдан иборат. Ф. Қурбонбоев (ЎзТАГ) олган суратда терма командамиз устози Аркадий Аронов (чапда) билан унинг шогирди Фарҳод Оғаев тасвирланган.

Енгил атлетика: КУЧЛИЛАР САФИДА

● ССЖИда хизмат кўрсатган спорт мастери, лангар билан сакраш устаси тошкентлик Радион Гатаулин ўтган йил якунига кўра «Энг яхши енгил атлетикачи» номига сазовор бўлди. Унинг нияти донецлик жаҳон рекордчиси Сергей Бубкадан ўзиш. Ҳозирча Радионнинг энг юқори натижаси 6 метр 2 сантиметрга тенг. У ўтган йилнинг энг кучли спортчилари сафидан ҳам жой олди.

Кураш: ҚЎЛИ БАЛАНД ПОЛВОНЛАР

● Американинг Питсбург шаҳрида эркин кураш бўйича жаҳон терма командаси билан АҚШ полвонлари беллашуви ўтказилди. Совет полвонларидан 5 нафари қўл кўтариб, ғалаба завқини суришди. Улар орасида Тошкентда маҳорат ошириб, олимпиада чемпиони бўлган Арсен Фадзаев билан Маҳарбек Ҳадарцев ҳам бор.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Фуқароларнинг пул маблағларини ССЖИ Жамғармалар банки муассасаларида сақлашдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб муайян муддатга қабул қилинадиган

МУҲЛАТЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ҚЎЙИДАГИ ФОИЗ ДАРОМАДЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ:

— 1 йилдан 3 йилгача муддатга — ЙИЛИГА 5 ФОИЗ.
— 3 йилдан 5 йилгача муддатга — ЙИЛИГА 7 ФОИЗ;
— 5 йилдан ортиқ муддатга — ЙИЛИГА — 9 ФОИЗ.

Муҳлатли омонатлар бўйича қўшимча бадал тўланмайди ва қисман пул миқдорлари — шу жумладан, фоизлар ҳам берилмайди. Ҳисоб дафтарчасидаги пулни тегишли фоизлари билан бирга фақат тўлиқ ҳолдагина олиш мумкин.

Омонат илгари белгиланган муддатдан эртароқ олинадиган бўлса, йилига 2 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Омонат келишилган сақлаш муддати тугагандан сўнг ҳам сақланганда, омонат бўйича даромад омонат қўйидаги муддатга мувофиқ келувчи фоиз даромади ҳисобидан омонатнинг амалда сақланган муддати учун ҳисоблаб чиқарилади.

1990 йил 1 ноябргача очилган муҳлатли омонатларнинг эгаларига уларни 1991 йил 1 майгача янгича шартларда муҳлатли омонатларга қайта расмийлаштириш ҳуқуқи берилади. Қайта расмийлаштирилмаган омонатлар бўйича йиллик даромад ҳозирги пайтдаги белгиланган миқдорда, яъни 3 фоиз ҳажмида тўланади.

Ёшларнинг мукофотли омонатлари бўйича фоиз даромадлари йилига 5 фоизгача (шу жумладан, ҳар йили 2 фоиз, уч йил ўтгандан кейин эса йилига 3 фоиз ҳисобидан тегишли мукофот тўланади) оширилади.

Болалар мақсадли омонатлари ва йиғма омонатлар бўйича эса йиллик даромад 4 фоиздан 9 фоизгача оширилди.

Ҳисоб-китоб омонатлари бўйича талаб қилиб олингунча омонатлар бўйича амалдаги 2 фоизлик йиллик даромад сақланиб қолади.

1990 йил 1 ноябрдан бошлаб муҳлатли омонатларнинг ҳозирги мавжуд фоиз даромадлари бўйича, шунингдек, қўшимча бадалли муҳлатли омонатлар ва шартномавий омонатлар бўйича ҳисоблар очиш тўхтатилади.

Аҳолига узлуксиз хизмат кўрсатилишини таъминлаш, навбатларнинг олдини олиш мақсадида янгича шартларда муҳлатли омонат ҳисобларини очиш учун ССЖИ Жамғармалар банки идораси 1991 йил 1 майгача бўлган даврда қайта расмийлаштирилган барча турдаги омонатлар бўйича 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб янгича фоизли даромадларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилди.

1990 йил 1 январдан бошлаб ССЖИ Жамғармалар банкининг сертификатлари бўйича сертификатларнинг 10 йиллик бутун сақлаш муҳлати учун 4 фоиз ўрнига ҳозирги вақтда қўйидаги жадвал асосида ўртача 10 фоиз ҳисобидан йиллик даромад тўланади:

Сертификат берилган кундан бошлаб ўтган тўлиқ йиллар сони	250 сўм	500 сўм	1000 сўм
	қийматидаги сертификатларга тўланадиган пул миқдорлари		
1 йилдан кам	250	500	1000
1 йил	263	525	1050
2 йил	277	555	1110
3 йил	297	595	1190
4 йил	321	642	1285
5 йил	354	708	1415
6 йил	392	785	1570
7 йил	440	880	1760
8 йил	496	992	1985
9 йил	566	1132	2265
10 йил	649	1298	2595

1990 йил 1 ноябргача сотиб олинган сертификатлар бўйича маблағларнинг Жамғармалар банки сертификатларида сақланиши лозим бўлган бутун муҳлат учун 1991 йил 1 ноябрдан бошлаб янгича шартларда даромад тўланади.

ТОШКЕНТДАГИ «АСБОБЛАР ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ» ДЎКОН-САЛОНИ
1991 йилда етказиб бериш учун ҚЎЙИДАГИЛАРГА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— шахсий электрон «ИСТРА—4816» ҳисоблаш машинаси, баҳоси — 15 минг сўм ва «ИСКРА—1030. М» машинаси, баҳоси — 15 минг сўм;
— таълимнинг техника воситалари комплекси — 4,5 минг сўм;
— Менделеевнинг электрлаштирилган жадвали — 2,5 минг сўмдан;
— «СЛОГ» системаси комплекси — 2,5 минг сўмдан;
— универсал «УАС—1—2» автомат сигнализатори;
— ПФ—0,5 плазмофарези;
— лабораторияда қўлланиладиган ЦПР—5 центрифуги;
— турли хилдаги электр ўлчов, радио ўлчов ва нусха кўпайтириш аппаратуралари, лазер генераторлари ва бошқа асбоблар.

Ҳозирги кунда савдода Германия фирмасида ишлаб чиқарилган 360 квт. қувватли ҳар қайсиси 18 сўмлик (шартнома баҳоси) магнит дискетлари мавжуд.

Юқорида санаб ўтилган маҳсулотларга эҳтиёж сезилган тақдирда бизнинг манзилгоҳга юк туширилади ган жой, почта ва банк реквизитлари кўрсатилган, ташкилот раҳбари, бош бухгалтер имзо чеккан ва гербли муҳр босилган кафолат хатини йўллашингизни сўраймиз.

Асбоблардан қанча борлигини билиш ва уларни бронлаштириб қўйиш учун қўйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилинсин: 78-02-49, 78-40-43.

Бизнинг манзилгоҳ: 700096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 2-уй.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5-7/I да **Янги йил арча байрами** (10, 12, 15, 16,00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5-6/I да **Арча байрами** (10.00, 12.00, 14.00 16.00, 18.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 5-7/Iда **Арча байрами** (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00).

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/I да **Қийшиқ ойна қироллиги** (10.00, 12.00), **Майсаранинг иши** (15.00), **Кулги ва қўшиқ кечаси** (19.00), 6/I да **Маугли** (11.00, 13.00), **Отасининг қизи** (16.00, 19.00).

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўсимликлар эксперименталь биологияси институти жамоаси Ўсимликларнинг озиқланиши лабораториясининг мудири ВАСХНИЛ академиги А. И. Имомалиевга онаси

Саври ИМОМАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Давлат саноати бирлашмасига қарашли Тошкент ёг-мой корхонаси маъмурияти, фирқа ташкилоти, касаба уюшмаси ҳамда меҳнат жамоаси шу корхона раҳбари А. В. Жамоловга онаси

Гулзода ЖАМОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

7 январь, душанба

ЎзТВ-I. 11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Болалар учун фильм. «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». 12.50 Бойтўра. «Яралланган қуш ҳамон учмоқда». Видеофильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.35 «Пахтаой» ансамблининг концерти. 19.00 «Мувозанат». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ҳар чиндан бир яроқ» ССЖИ халқ артисти Олим Ҳўжаев таваллудининг 80 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва «Время». 22.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тақдири азал». Бадиий фильм («Белоруссфильм»). 23.20 Янгиликлар. 23.30 Эртанги кўрсатув тартиби.

ЎзТВ-II. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Ассалому алайкум». 20.05 «Спринт». (рус тилида). 20.20 «Қизил велосипед». Телевизион бадиий фильм. **Душанбе.** 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Душанбе оқшомида».

МТ-I. 8.30 «ТСН». 8.45 Мультфильм. 9.05 «Цирки ҳамма севади». 9.50 «Учар гусарлар эскадрони». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.30 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. «Эдмонтонойлероз» (Канада) — МАСК. 14.30 «Сизга замондошларим». Телевизион ҳужжатли фильм (Минск). 15.30 «ТВ—мулоқот». 15.45 «Мўйловли энага». Бадиий фильм. 17.00 «Қорқиз». П. И. Чайковский мусиқасига яратилган балет. 19.15 Рус мусиқа маданиятининг тараққиёти ҳақида мусиқий фильм. 20.20 «Николай Вавилов». Олти серияли телевизион фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Николай Вавилов». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.30 «Телбанинг хатлари». Телеспектакль. Тунги телевидение. 00.40 «Москва гўзали». В. Зайцевнинг Модалар уйида мусиқий томоша. 01.25 Телевизион бадиий фильм. 02.40 «Торларда, клавишлар ва...». Концерт.

8 январь, сешанба

ЎзТВ-I. 11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Қадрдонлар кўчаси». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 11.55 Жумҳурият қўғирчоқ театрида Арча байрами. 11.30 «Ялангоёқ ўт босиб. Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Замин саховати. 18.50 «Инсон саломатлиги ва атроф муҳит». 19.30 «Ахборот». (рус тилида). 19.45 «Ёшлик оқшоми». 20.30 «Ахборот». 20.50 Муқимий номидаги Давлат мусиқий театри янкахонлари ижросида концерт. 21.30 Москва «Время». 22.15 «Спортлото». 22.20 «Хотира». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек. 23.35 Янгиликлар. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Учрашув». 20.00 Тошкент хабарлари. 20.10 «Учрашув» кўрсатувининг давоми. **Душанбе.** 21.30 «Время». 22.15 «Фарханг ва ҳунар». Тележурнал. 23.35 «Шифобахш бальзам». Телефильм.

МТ-I. 7.00 «Тонг». Мусиқий ахборот. 9.30 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 9.50 «Навбат сизга, артист А. Акопьян». 10.05 «Николай Вавилов». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.30 «ТСН». 12.45 «Николай Вавилов». Бадиий фильм. 3-серия. 15.30 «ТСН». 15.45 «Оқариб кўринар ёлғиз бир елкан». Болалар учун бадиий фильм. 17.10 Г. Малер. «Дарбадар шогирд қўшиқлари». Овоз ва оркестр учун вокаль туркум. 17.30 «Омон қолиш усули». Телефильм. 18.00 Болалар мусиқий клуби. 19.00 «ТСН». 19.05 Бозор қонунларига биноан. 20.05 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 20.20 «Николай Вавилов». Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 Время. 22.15 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 23.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 00.45 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм, 1-серия. 01.55 «Мўъжиза содир қил». Инсоннинг кам ўрганилган имкониятлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 1 ва 2-фильмлар.

9 январь, чоршанба

ЎзТВ-I. 11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Олтин занжир». Болалар учун фильм. 12.55 «Бўталоқ». Жумҳурият қўғирчоқ театри спектакли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Халқаро ҳаёт». 19.20 Тижорат хабарлари 19.30 «Ахборот». 19.50 Эстрада хонандалари ижросида концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дутор ва танбур тароналари. 21.30 «Время». 22.15 «Шайтон малайлари». Бадиий фильм, 1-серия. 23.40 Янгиликлар. 23.50 Эртанги кун кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 Рассом Рўзи Чорнев. 19.20 «Суҳбатга таклиф этамиз». Бевосита мулоқот. 20.20 Дўстлик тароналари. 20.50 Ҳар бир оила учун. 21.20 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». Телефильм. **Душанбе.** 21.30 «Время». 22.15 «Хотирот». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Муқаддас Набиева. 23.15 «Иф қасрининг маҳбуси». Бадиий фильм, 1-фильм, 1-серия — «Аббат Фариа».

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120 + 30). 9.30 Долзарб репортаж. 9.45 «Деворга чизилган лавҳа». Ҳужжатли фильм. 10.05 «Николай Вавилов». Телевизион бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 12.30 ТСН. 12.45 «Нозик-ниҳол малика». Бадиий фильм. 15.30 ТСН. 15.45 «Тушингизга ҳам кирмаган...». 17.10 Мусиқий ҳазина. Ф. Шопеннинг фортепьяно асарлари. 18.00 Болалар соати (Инглиз тили дарси билан). 19.00 «Уруш арафасида ёки Марс?». Ироқ — Қувайт уруши муаммолари. 19.15 «Ер — она масканимиз». Телевизион фотоконкурс. 19.20 Нодипломатик суҳбатлар. 19.45 «ТСН». 20.00 «Россия тароналари». Телерадиотанловининг совриндори Н. Кригина куйлайди. 20.15 «Николай Вавилов». Телевизион бадиий фильм.4-серия. 21.30 «Время». 22.15 Инсон ва қонун. 23.30 «Асраб, авлодларга етказ». 00.15 «Йўқотилган вақтни излаб». Телевизион ҳужжатли фильм. 00.35 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм, 2-серия. 01.25 «Қайин садолари». Телефильм. 02.25 Катя Семенова куйлайди.

10 январь, пайшанба

ЎзТВ-I. 11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Болалар учун. «Қувноқлар саргузашти» (такрор). 12.00 «Шермат Файзуллаев куйлайди». Фильм-концерт. («Ўзбетелефильм»). 12.30 «Бор экан-да, йўқ экан...». Бадиий фильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Янги йил қувончлари». 18.50 Мультфильмлар программаси. 19.00 «Алифбо сабоқлари». 2-босқич. 19.30 «Ахборот». 19.45 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.00 «Фармон ва ижро». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Навоийхонлик». Мусиқий кўрсатув. 21.30 «Время». 22.15 Санъат усталари. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Орифхон Ҳотамов. Видеофильм. премьераси. 23.15 «Шайтон малайлари жиннлар тегирмонида». Бадиий фильм, 2-серия. 00.45 Янгиликлар. 00.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув. 20.10 «Бу оқшомда. Кўрсатувнинг давоми. **Душанбе.** 21.30 «Время». 22.15 Халқ қўшиқлари. 22.55 «Иф қасрининг маҳбуси». Бадиий фильм,1-фильм, 2-серия, — «Граф Монте — Кристо».

МТ-I. 7.00 «Тонг». (120 + 30). 9.30 «Ишбилармон чопар». 9.50 «Николай Вавилов». Телевизион бадиий фильм 4 ва 5-серия. Карл Мойк таклиф этади». (Австрия). 23.35 «Пи» белгиси билан. 01.05 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 02.15 «Менинг Карменим». Телевизион мусиқий фильм.

11 январь, жума

ЎзТВ-I. 11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Машшоққа ўқ узманг». Телефильм. 12.00 Атрофимиздаги шифобахш ўсимликлар. Ҳужжатли фильм. 12.20 «Қор маликаси». Бадиий фильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Леопольднинг автомобили». «Қоплон учун уй». Мультфильмлар. 18.30 «Умид учқунлари». 19.30 «Ахборот». 19.50 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Маърифатнома». 21.30 «Время». 22.15 «Янги йил базми». Адабий-мусиқий кўрсатув (такрор). 24.00 Янгиликлар. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.05 «Бу оқшомда». Янги йил кўрсатуви такрорланади (рус тилида). **Душанбе** кўрсатади. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Нидои магиён». Усто Сирож Сафаров. 23.15 «Иф қасрининг маҳбуси». Иккинчи фильм. «Қайта яратгайман».

МТ-I. 7.00 «Тонг». (120 + 30). 9.35 «Николай Вавилов». Телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар. 12.30 «ТСН». 12.45 «Фил ва арқонча». 13.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 15.30 «ТСН». 16.45 «Ўсмирлар қонунида». Бадиий фильм. 17.10 «Аёлни изланг». Хотин-қизлар бадиий-публицистик ойномаси. 17.30 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 18.15 «1991 йил — Моцарт йили». Композитор асарларини А. Любимов ижро этади. 19.00 «ТСН». 19.15 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.45 «ВИД» программаси. 20.00 «Николай Вавилов». Телевизион бадиий фильм, 6-серия. 21.30 «Время». 22.15 «ВИД» таништиради: «Взгляд». «Эм-ти-ви». Тунги телевидение. 01.15 «Тўй олдидан тўй саёҳати». Телевизион бадиий фильм. 02.20 Мусиқий программа. 02.55 «Денгизга йўл».

12 январь, шанба

ЎЗТВ-I. 8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 9.00 «Ёввойи оққушлар». Бадиий фильм. 10.25 Спорт программаси: 1. Шахмат мактаби. 2. У-шу машқлари. Тижорат кўрсатувлари. 11.25 «Устозлар маскани». Жиззах ўқитувчилар малакасини ошириш институти фаолияти ҳақида. 11.45 «Ҳазорбог оромгоҳи. 12.15 «Меҳнатим элга манзур». 12.45 «Деҳқон ва замин». 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Оҳ, сингилжон». Мультфильм. 18.15 Болалар учун концерт. 18.55 «Кино ва ёшлар». Кинокўрсатув. 19.30 «Ахборот». (рус тилида). 19.45 «Янги йил базми». Адабий-мусиқий кўрсатув (такрор). 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Янги йил базми». Адабий-мусиқий кўрсатувнинг давоми. 01.00 Эртанги кун кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. Душанбе кўрсатади. 9.00 «Савту калом». Накибхон Туграл щеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 Кинопрограмма. 10.55 «Оқ тундаги гран-па». Фильм-концерт. 12.00 «Маҳфий топшириқ». Бадиий фильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.25 «Болаларга мусиқа ҳақида». Болалар учун кўрсатув. 19.00 Новости. 19.20 «Мерос». Қадимий Шарқ бадиий адабий мероси. 20.00 Кишинев жилолари. 20.30 Ахбор. 20.50 «Суруди Бунафша». Бунафша Аҳмедова куйлайди. 21.30 «Время». 22.15 «Сенга бахт тилайман».

МТ-I. 7.00 Шанба, эрта саҳарлаб. 7.30 Мультфильм. 7.45 Тонгги дам олиш программаси. 8.15 Здоровье. 8.45 Спорт ҳамма учун. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.30 ТСН. 9.45 «Николай Вавилов». Телевизион бадиий фильм, 6-серия. 11.15 «Фақат бир учрашув». Ю. Антонов қўшиқлари. 11.55 «Усть-Илим акварелларн». Телефильм. 12.15 Хонсю ороли «Варабидза» ансамбли ижро этади. (Япония). 12.45 «Мурувватга даъват». Ҳужжатли фильм премьераси. 13.50 ССЖИ Давлат телерадиоси. Рус қўшиқлари академик хорининг концерти. 14.30 «Ер манзаралари». Илмий-оммабоп фильм премьераси, 1-серия. — «Саҳролар». 15.30 «ТСН». 15.45 Сиёсий мулоқотлар. «Ҳақиқат биз томонда». Телефильм премьераси. 16.40 «Ўшанда мен йўқ эдим». Бадиий фильм. 17.55 Мультфильмлар. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Режиссёр Я. Фрид фильмлари. «Кўршапалак». 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.15 «Бир боқишда». Дам олиш программаси, 1-кўрсатув. 22.55 «Парнас сари бир босқич» халқаро телефестивалининг гала-концерти. Тунги телевидение. 02.25 «Приморье ҳиёбони». Телевизион бадиий фильм, 1-серия.

13 январь, якшанба

ЎзТВ-I. 8.00 «Ҳафтанома». (такрор). 9.00 «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм. 10.10 «Муносабат». Ёшлар учун публицистик кўрсатув. 10.40 Мактаб ўқувчилари учун «Қувноқ стартлар». 11.40 Араб тили дарси. Кириш қисми. 12.10 Ҳужжатли экран. 13.10 «Дўстлик» кўрсатуви. «Эзгу бўлсин йилингиз». 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.20 «Кичкинтой кўрсатуви». 18.50 Мультипанорама». 19.30 Ахборот (рус тилида). 19.50 «Сиҳатсаломатлик». 20.30 Ахборот. 20.50 Ҳожиакбар Ҳамидов ва Дилором Шукуржонова концерти. 21.30 Москва «Время». 22.15 «Шарқ юлдузлари». Мусиқий кўрсатув. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. Душанбе кўрсатади. 9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 «Ҳафтранг». Болалар учун кўрсатув. 10.55 Кинопрограмма. 11.55 «Олижаноб қароқчи Владимир Дубровский». Бадиий фильм. (рус тилида). 12.40 Кўрсатувлар тартиби. 17.45 «Суханвароии ҳамзабон». Парвини Эътисоми. 18.30 «Сенга бахт тилайман». Янги йил дам олиш программаси (такрор). 20.00 «Ҳафта». Информацион кўрсатув. 20.30 «Сенга бахт тилайман» (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Сенга бахт тилайман». (давоми). 23.45 Телетомошабин ҳамроҳи.

МТ-I. 8.30 «ТСН». 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото». тиражи. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Ҳайвонот оламида. 13.00 «Театрдан икки қадам нарида». Телефильм. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Нижегород матрёшкалари». Телефильм. 15.00 Мусиқий киоск. 15.30 «ТСН». 15.45 «Веди» программаси.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.
Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, С. Ф. МУҲИДДИНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ҲУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; партия турмуши — 33-34-69, 33--38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-55-70; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53- 20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

ИНДЕКС 64583.
Заказ 4720.

№ 5. © Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12